N 38 (167) • 2008 йил 19 сентябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 11 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.***

Мустақиллик йилларида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани боис мазкур соҳа жадал ривожланмоқда. Бу эса ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини кўпайтириш ва уни хорижий ҳамда мамлакатимиз инвесторлари учун янада жозибадор қилиш имконини берди. Алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасига жалб қилинган хорижий инвестициялар миқдори сўнгги беш йилда 593,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тармоқнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши натижасида 2008 йил давомида корхоналар даромади ўтган йилга қараганда 58,5 фоизга кўпайди. Телекоммуникация тармоғининг ривожланиш даражасига мобиль алоқанинг кўламига қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сони 10 миллиондан ошди.

Ихтисослашган илмий-техника зоналари тармоғини барпо этиш, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига юқори технологияларни самарали жорий этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот технологияларини қўллашни кенгайтириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган интерфаол хизматлар ҳажмини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, мамлакат ахборот хавфсизлиги тизимини мустаҳкамлаш, электрон ҳужжат айланиши механизмини такомиллаштириш Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидир.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари ҳақида ҳам сўз юритилди. Ушбу соҳадаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш долзарблиги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятининг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб олинди.

Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, ахборот-коммуникация соҳасидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Депутатлар томонидан берилган саволларга батафсил ва аниқ жавоблар қайтарилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлис якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни қонун йўли билан таъминлаш палатанинг устувор вазифаси эканлиги белгиланди. Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитасига мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлиги ишлари дастури лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун киритиш вазифаси топширилди.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

**Қонун кучга кирди**

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК МЕХАНИЗМИ

***Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектлари, қолаверса иқтисодий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган барча шахсларнинг иқтисодий манфаатларини қимматли қоғозлар бозори билан бемалол боғлаш мумкин. Ҳозирги кунда барча соҳалар каби қимматли қоғозлар бозорида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланиб, давлат раҳбари томонидан тасдиқланган ҳамда кучга киритилган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-163-сон Қонуни қабул қилинишини фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябр-даги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган.***

Қимматли қоғозлар бозори соҳаси нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки бутун МДҲ давлатлари ҳудудида янги эканлигини бемалол таъкидлаш мумкин. Чунки қимматли қоғозлар бозори тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг янги ва жуда серқирра соҳаси бўлгани баробарида, катта даромад ишлаб топиш манбаи сифатида ҳам аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳани ёркин ва самарали келажак билан боғлаш мумкин. Бу борада давлат томонидан ушбу соҳанинг қонун йўли билан тартибга солиниши кўпгина муаммоларнинг олдини олиш билан биргаликда, соҳанинг тартибли ривожланиши учун ҳуқуқий замин яратади.

Ушбу Қонун қабул қилингунга қадар қимматли қоғозлар бозоридаги муносабатларни тартибга солувчи «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиши механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги каби Ўзбекистон Республикаси қонунлари мавжуд эди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро боғлиқ бўлишига қарамасдан, уларнинг алоҳида меъёрлари бир-бирини такрорлар эди. Мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи нормаларнинг турли қонун ҳужжатларида акс эттирилиши, муайян бир ҳолатда, уларнинг ўрганилиши ва англаб етилишини қийинлаштиради. Бу эса ўз навбатида қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига кўплаб қийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқарар эди.

Бундан ташқари, жаҳон қимматли қоғозлар бозори жадаллик билан ривожланар экан, юқорида санаб ўтилган қонунларнинг аксарият талаблари замонавий талабларга, хорижий молиявий бозорларга қўшилиш шартларига мос келмас эди.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари учун қулай шароит яратиш, ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлиги ва тизимлилигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозоридаги барча нормаларни ўзида мужассам этган ягона Қонун қабул қилинди.

Бу Қонун қуйидагиларни назарда тутади:

– қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш мажбуриятини белгилаш;

– қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг такроран ҳисобга олинишини бартараф қилиш;

– илгари чиқарилган нақд корпоратив қимматли қоғозларни нақдсиз шаклга ўтказиш ва уларни кейинчалик фақат нақдсиз шаклда чиқариш;

– қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турларини қўшиб олиб боришга бўлган алоҳида чекланишларни бекор қилиш;

– тегишли лицензияларга эга бўлган инвестиция маслаҳатчиларига, муайян қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш бўйича тавсияномалар бериш;

– мазкур соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қайта такрорланадиган қоидаларни бартараф қилиш.

> *Унинг ушбу хусусиятлари дунёнинг барча ривожланган давлатларида ўзининг кенг асосини топиб улгурган, яъни деярли барча тадбиркорлик фаолияти субъектлари ушбу соҳанинг иштирокчисига айланиб улгуришган.*

Шунга кўра, Қонун 64 модда ва 9 та бобдан иборат таркибда қабул қилинган бўлиб, улар асосан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги умумий тавсифий қоидалар, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш қоидалари, қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласини амалга ошириш масалалари, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият асослари, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, бундай бозорда ахборотни ошкор қилиш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш, унинг иштирокчилари ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлиги каби масалаларни ўз ичига олган.

Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчаларнинг тавсифи ёритилган бўлиб, улардан қонунчилик ва амалиётда ифодасини топганига кўп вақт бўлмаганлари сифатида вексель, депо ҳисобварағи, депонент, облигациялар, фонд биржаси, қимматли қоғозларга доир фьючерс, қимматли қоғозлар эмиссияси, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари каби янги келтирилган тушунчаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қимматли қоғозларнинг муомаласи, улар билан ишлаш, улардан кўзланган мақсадларга эришиш, яъни даромад олиш албатта уларни чиқаришдан бошланади. Қонуннинг 4-моддасига биноан, қимматли қоғозлар чиқарилиш шаклига кўра бланкалар тарзида ҳужжатли ва депозитарийлардаги ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида ҳужжатсиз бўлиши мумкин. Албатта, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши учун асос сифатида тегишли тартибда қабул қилинган қарор хизмат қилади. Ушбу қарорни Қонуннинг 5-моддасига асосан эмитент, яъни таъсисчи ва муомалага киритувчи чиқаради. Яна Қонуннинг 6-моддасига асосан ушбу қарор тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

Шунингдек, Қонунда келтирилган янги ҳолатлардан яна бири сифатида эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдорида республика бюджетига йиғим тўлашлигини келтириш мумкин. Зеро, бу тўлов ҳажми ушбу Қонун қабул қилингунига қадар 0,1 фоизни ташкил этарди. Бу албатта, ушбу бозор иштирокчилари учун берилган имтиёздир.

Шунингдек, Қонуннинг янги жиҳатлари сифатида унинг 19-моддасида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал, яъни доимий тартибда фақат шу фаолият билан шуғулланувчи иштирокчилари рўйхати берилганлигини кўрсатиш мумкин. Улар асосан инвестиция воситачиси (брокер, дилер), инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи, депозитарий, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, трансфер-агент, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Шу билан бирга қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари билан биргаликда янги кириб борувчилар учун қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг фаолияти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қонун билан соҳадаги тегишли маълумотларнинг очиқ ва ошкора эканлиги, бундан ташқари, тегишли ахборотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сир сақланишига оид ҳолатлар ҳам Қонуннинг олтинчи бобида батафсил ёритилиб берилган. Қонуннинг 38-моддасига асосан, бу соҳадаги ахборот очиқ ва ошкора бўлиб, қонунда белгиланган ҳоллар эса истисно сифатида қабул қилиниши мумкин. Тегишли ҳолларда бу соҳадаги ваколатли давлат органи, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳамда ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа ахборот тақдим этиш орқали ошкор қилиб боришлари лозим бўлади.

Шунингдек, ушбу Қонун талабларини бажармаганлик учун тегишли тартибда жавобгарлик келиб чиқиши тўғрисидаги моддалар ҳам ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кучга кирган Қонун юртимиз қимматли қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ҳамда бу бозор иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни осонлаштиради.

***Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими.***
***Тўлқин НАБИЕВ,***
***ҳуқуқшунос.***

## УШБУ СОНДА

2-бет — Бизнинг маслаҳатлар
3-бет — Бевосита мулоқот
11-бет — “Бу раҳбар менга маъқул эмас”
5-10-бетлар — Қонунчиликдаги янгиликлар

$1 = 1326,38 сўм €1 = 1911,58 £1 = 2390,80 сўм ¥10 = 125,64 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
www.interpress.uz
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# УЧ КИШИГА УЧТА ҲИСОБ-КИТОБ

***?*** ***Бухоро педагогик коллежида ходимларга иш ҳақи ва таътил пуллари қандай берилаётганлиги текширилди. Унинг якунлари бўйича текширувчилар ўқитувчиларга таътил пуллари нотўғри ҳисоблаб ёзилган деган хулосага келдилар. Бухгалтерия буни қуйидагича амалга оширган: Н.Турдиева 2006 йил сентябридан бошлаб 2007 йил июлигача 957 соат учун қуйидагича иш ҳақи олган:***

| Ойлар | Иш ҳақи | Шу жумладан тарификация бўйича | Тарификациядан ташқари |
|---|---|---|---|
| 2006 йил сентябрь | 101 648 | 101 648 | 5 000 |
| 2006 йил октябрь | 101 648 | 101 648 | |
| 2006 йил ноябрь | 136 069 | 136 069 | |
| 2006 йил декабрь | 136 069 | 136 069 | 54 677 |
| 2007 йил январь | 136 069 | 136 069 | |
| 2007 йил февраль | 136 069 | 136 069 | |
| 2007 йил март | 136 069 | 136 069 | 50 000 |
| 2007 йил апрель | 136 069 | 136 069 | |
| 2007 йил май | 136 069 | 136 069 | |
| 2007 йил июнь | 136 069 | 136 069 | 20 000 |
| **Жами:** | **1 291 848** | **1 291 848** | **129 677** |

***1. 136 069/25,4 = 5 357,04 х 48 = 257 137,92.***

***2. 129 677/12 = 10 806,41/25,4 = 425,44 х 48 = 20 421,12.***

***Н.Турдиевага жами 277 559,04 сўм таътил пули ҳисоблаб ёзилган.***

***Текширувчиларнинг фикрича, таътил пули қуйидаги тарзда ҳисоблаб ёзилиши керак:***

***1. 1 291 848/10 = 129 184,80/25,4 = 5 086,01 х 48 = 244 128,48 сўм.***

***2. 1 29 677/12 = 10 806,41/25,4 = 425,44 х 48 = 20 421,12 сўм.***

***Н.Турдиевага жами 264 549,60 сўм таътил пули ҳисоблаб ёзилиши керак эди. Ушбу мисол ёрдамида таътил пулларини қандай қилиб тўғри ҳисоблаб ёзиш керак?***

**Г.Каримова,**
**бухгалтер.**

– Таътилларга пул тўлаш учун ўртача иш ҳақи ҳисоб-китоби Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 6-иловага* мувофиқ ҳисоб-китоб кунида белгиланган тарификация ёки лавозим маоши бўйича амалга оширилиб, биринчи йил ишлаётганларга ҳисоб-китоб даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақидан ёки лавозим маошидан ошадиган сумма ўн иккидан бир қисмга (тўлиқ олти ой ишлаганларга олтидан бир қисмига, тўлиқ етти ой ишлаганларга еттидан бир қисмга ва ҳоказо) кўпайтирилади. Уларга ишбай даромад, мукофотлар, қўшимча тўлов, устамалар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисоблаб ёзиладиган бошқа тўловлар киради.

Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқитувчиларига таътил пуллари учун ҳисоб-китоб 10 ой учун ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб бажарилади *(Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 6-илованинг 1-банди).*

Ходимангизнинг ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат таътилига пул тўлаш учун қуйидаги миқдорни ташкил қилади:

136 069 + 129 677/10 = 149 036,70 сўм.

Таътил тўловлари суммаси ўртача ойлик иш ҳақи суммасини иш вақтининг кунларда ўртача ойлик муддати – 25,4 кунга бўлиш ва таътил кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Таътил пулларининг ҳисоблаб ёзилган суммаси:

149 036,70/25,4 х 48 = 281 644,16 сўм.

* *Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби.*

*Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди*

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

04_0020

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРДИК. ЭНДИ НИМА ҚИЛИНАДИ?

***?*** ***Президентнинг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарорига кўра «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли корхонамиз «O'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR» локомотив ва вагонлар учун тормоз колодкаларини ишлаб чиқариш бўйича (2-илова), шунингдек тепловоз ва ярим вагонларни тиклаш бўйича маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхатига киритилди. Ушбу қарорга асосан биз маҳаллийлаштириладиган маҳсулот қисмида фойда солиғини тўлашдан, бўшайдиган маблағларни технологик ускуналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга йўналтириш шарти билан, озод қилиндик. Ушбу атама нимани англатишини тушунтириб берсангиз. Бизнинг асосий фаолиятимиз – ҳаракатли таркибни таъмирлаш.***

**Н.Турсунов,**
**«Ўзтемирйўлмаштаъмир» УК бош бухгалтери.**

– Шуни таъкидлаш лозимки, Президентнинг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори Президентнинг «2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» *(2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон)* қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган. Бунда ПҚ-386-сон қарор билан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастуридан ўтган, солиқ ва божхона имтиёзлари татбиқ этиладиган маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхати ПҚ-879-сон қарорга 2а, 3а ва 4-иловаларда келтирилади. Корхонангиз «O'ZTEMIRYO'LMASHTA'MIR» аввалгидек маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қисмида фойда солиғини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёздан фойдалана олади. ПҚ-879-сон қарор билан белгиланган имтиёз бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назарда тутади – улар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият юритаётганларини кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ва материалларни харид қилишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилиши керак.

**Модернизациялаш** деганда асосий воситалар объектларининг технологик ёки хизмат мақсадини ўзгартиришга, уларнинг унумдорлигини оширишга ёки бошқа сифат тавсифларини яхшилашга йўналтирилган ишлар тушунилади.

**Фаолият юритаётган ишлаб чиқаришларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш** деганда илғор техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан эскирган ва жисман ишдан чиққан ускуналарни янги, янада унумлироқ ускуналар билан алмаштириш асосида асосий воситалар ёки улар айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини оширишга доир тадбирлар мажмуи тушунилади. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва фаолият юритаётганларини кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади. Бунда мавжуд ишлаб чиқариш майдонларига қўшимча равишда ускуна ва машиналар ўрнатилиши, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий воситалари, иситиш ва вентиляция тизимлари, цехларни иссиқлик ва электр билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбаларига улаш қурилмалари ва бошқалар жорий этилиши мумкин.

**Фаолият юритаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга** фаолият юритаётган корхонада қўшимча ишлаб чиқаришлар қурилиши, қўшимча ёки янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш учун фаолият юритаётган корхоналар ҳудудида ёки уларга ёндашган майдончаларда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсаддаги айрим цехлар ва объектлар қурилиши ва мавжудларини кенгайтириш киради.

Фаолият юритаётган корхоналарни **реконструкция қилиш,** одатда, асосий мақсаддаги мавжуд бинолар ва иншоотларни кенгайтирмасдан, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсаддаги мавжуд цехлар ва объектларни қайта қуришни назарда тутади. У асосан ишловчилар сонини кўпайтирмасдан, айни вақтда уларнинг меҳнат қилиш шароитларини яхшилаган ва атроф муҳитни муҳофаза қилган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг номенклатурасини ўзгартириш мақсадида амалга оширилади. Реконструкция қилишда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга аввало технологик бўғинлардаги мутаносибсизликларни бартараф этиш, янада такомиллашган технологиялар ва ишлаб чиқаришларни қўллаш ҳисобига эришилади.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш охир-оқибатда корхонада меҳнат унумдорлигини оширишни, ишлаб чиқаришда сарфланадиган материаллар ва маҳсулот таннархини пасайтиришни таъминлайди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этилган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини тақдирлашда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 апрелдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган 2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарнинг раҳбарларини ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш тўғрисидаги низомга амал қилиш керак. Унда ходимларни бир марталик мукофотлар тўлаш орқали тақдирлаш назарда тутилади. Бунда бир марталик мукофотларни тўлашга йўналтириладиган маблағлар (унга ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб ёзиш ҳам киради) солиқлар ва божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаётган сумманинг 15%идан ошмаслиги керак, бир марталик мукофот эса 1 ходим ҳисобида бир ойлик лавозим маоши миқдорининг 6 бараваридан ошмаслиги лозим.

*Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 15 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1088,83 | 1 Малайзия ринггити | 384,46 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2390,80 | 1 Польша злотийси | 571,30 |
| 1 Дания кронаси | 256,45 | 1 СДР | 2044,11 |
| 1 БАА дирҳами | 361,14 | 1 Туркия лираси | 1072,69 |
| 1 АҚШ доллари | 1326,38 | 1 Швейцария франки | 1192,14 |
| 1 Миср фунти | 245,49 | 1 ЕВРО | 1911,58 |
| 1 Исландия кронаси | 14,95 | 10 Жанубий Корея вони | 12,00 |
| 1 Канада доллари | 1250,59 | 10 Япония иенаси | 125,64 |
| 1 Хитой юани | 194,00 | 1 Россия рубли | 51,61 |
| | | 1 Украина гривнаси | 273,35 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 17.09.2008 | 1 | 0,814 | 1 | 1,1531 | 1 | 0,0318 |
| Арманистон | 17.09.2008 | 1 | 302,5 | 1 | 430,12 | 1 | 11,86 |
| Беларусь | 18.09.2008 | 1 | 2115,00 | 1 | 3007,42 | 1 | 82,86 |
| Грузия | 17.09.2008 | 1 | 1,402 | 1 | 1,9955 | 1 | 0,055 |
| Қозоғистон | 18.09.2008 | 1 | 119,65 | 1 | 170,05 | 1 | 4,69 |
| Қирғизистон | 13.09.2008 | 1 | 35,2138 | 1 | 49,7008 | 1 | 1,3701 |
| Латвия | 18.09.2008 | 1 | 0,496 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0194 |
| Литва | 18.09.2008 | 1 | 2,4253 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,5008 |
| Молдова | 17.09.2008 | 1 | 9,8223 | 1 | 13,9217 | 1 | 0,3841 |
| Тожикистон | 18.09.2008 | 1 | 3,4155 | 1 | 4,8729 | 10 | 1,3381 |
| Ўзбекистон | 16.09.2008 | 1 | 1326,38 | 1 | 1911,58 | 1 | 51,61 |
| Украина | 17.09.2008 | 100 | 485,11 | 100 | 692,1064 | 10 | 1,9019 |
| Эстония | 17.09.2008 | 1 | 11,0067 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,431484 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

**УШБУ СОНДА:**

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида
- Қимматли қоғозлар бозори – иқтисодий барқарорлик механизми *1-бет*

✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
- Уч кишига учта ҳисоб-китоб
- Маҳаллийлаштирдик. Энди нима қилинади?
- Валюталар курси *2-бет*

✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
- Тартиб бошқача
- Танлашга ҳуқуқ йўқми?
- Ёнилғига олов билан яқинлашманг! *3-бет*

✓ **ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**
- Етимлар учун имтиёзлар
- Бу сизнинг рўйхатингизми? *4-бет*

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
- "Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида" 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Вазирлар Маҳкамасининг "Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарори)";
- "Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида".

**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
- ЎзР МББнинг "Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори;
- ЎзР ДБҚ, МВ, ДСҚнинг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори;
- ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти "Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар"ни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори;
- ЎзР ички ишлар вазирининг "Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи;
- ЎзР МББнинг "Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. *5-10-бетлар*

✓ **ИДОРАДАГИ МУҲИТ**
- Ўтиш даври компанияси *11-бет*

✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** *12-16-бетлар*

# ТАРТИБ БОШҚАЧА

**?** ***Сизларга II гуруҳ ногирони, олий тоифали ўқитувчи, ўқув қўлланмалари ва бир қатор газета мақолалари муаллифи, Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясининг аъзоси қуйидаги масалани тушунтириб беришни илтимос қилиб мурожаат этяпти.***



***Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорига** (2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон) **асосан бюджет ташкилотларида ишлаётган аёллар 2008 йил 1 январдан бошлаб болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали олишлари керак.***

***Президентнинг ПҚ-744-сон қарори 21-бандида равшан қилиб ёзилган:***

***«Кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2008 йил 1 январдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича ижтимоий нафақаларни бюджет соҳасида ишлаётган оналарга ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали тайинлаш ва тўлаш тартиби жорий этилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин».***

***Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг** (МАИМҚВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) **7-бандига кўра болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:***

***а) болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳақидаги ариза;***

***б) бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.***

***Бироқ Молия вазирлигининг вазир ўринбосари Д.Қўчқоров имзолаган, барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юборилган, 2007 йил 27 декабрдаги хатида айтилишича, бюджет ташкилотларида ишлаётган оналар ҳужжатларни худди ишламаётган оналар каби расмийлаштиришлари керак экан?!***

***Юқорида айтилганлардан келиб чиқилса, ишлаётган ва ишламаётган оналар тенглаштириб қўйилган. Ушбу масала бўйича тегишли ва ҳар томонлама тушунтириш берсангиз.***

***Ҳурмат билан***

***Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси аъзоси Ж.Усмонов+ Тошкент шаҳридаги 6-Қорасув даҳаси 16 фуқаросининг имзолари.***

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мурожаатингизга жавобан қуйидагиларни маълум қилади.

«Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарорига мувофиқ 2008 йил 1 январдан бошлаб бюджет соҳасида ишлаётган оналарга **болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинлаш ва тўлаш тартиби татбиқ этилган.**

Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарори *(АВ томонидан 2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* қабул қилинди, унда ёзилишича: «Мазкур Низом бюджет соҳасида ишлаётган оналарга татбиқ этилмайди, **уларга нафақа Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда** *(АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **белгиланган таомилга мувофиқ тўланади».**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали болани парвариш қилиш бўйича нафақа **оила даромадини ҳисобга олган ҳолда** оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга) тайинланади.

Бинобарин, бюджет соҳасида ишлайдиган, икки ёшга тўлмаган болалари бўлган оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ариза, боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқа зарур ҳужжатларнинг нусхаларидан ташқари ишлаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ариза топширилган ойгача кейинги ўн икки ойдаги оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

Нафақа тайинланаётганда оиланинг муҳтожлигини аниқловчи мезон бўлиб унинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган энг кам иш ҳақининг камида 1,5 бараварини ташкил этадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оиланинг жами даромадини аниқлаш учун болани парвариш қилиш бўйича нафақа олишга ариза билан мурожаат этиш ойигача кейинги ўн икки ой мобайнида олинган барча турдаги даромадлар қўшиб чиқилади ҳамда олинган сумма оила аъзолари сони ва ўн икки ойга бўлинади. Даромадлар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (бундан бола икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақалар мустасно), шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар.

Болани тўлиқсиз оилада тарбиялаётган оналарга ва ногирон болани тарбиялаётган оналарга нафақа сўзсиз тартибда оила даромадларини ҳисобга олмасдан тайинланади. Бунда болалардан қайсиси ногиронлиги муҳим эмас».

***Д.ҚЎЧҚОРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари.***

# ТАНЛАШГА ҲУҚУҚ ЙЎҚМИ?

**?** ***2007 йил сентябрида синглимнинг таклифи билан Чехияга бордим. Ҳужжатларни расмийлаштираётганимда бошқа мамлакатга боришда суғурта компанияси билан ҳаётни суғурталаш тўғрисида шартнома тузиш лозимлигини айтишди, бироқ бундан аввал Чехияга икки маротаба борганимда мендан буни талаб қилишмаган эди.***

***Чехия элчихонасида суғурта компанияси ишлайди. Унинг вакили бошқа суғурта компаниялари Чехияга боришни суғурта қилмасликларини айтди. Бундай вазиятда бошқа йўлим йўқлиги, шошиб турганим сабабли айни улар билан шартнома тузишга мажбур бўлдим. Суғурта пули суммаси 26 кунга 219 000 сўмни ташкил қилди. Суғурта қилинганда ёшим 77 да эди. Ушбу компанияда 75 ёшдан ошган кишилар учун ҳаётни суғурталаш коэффициенти 6,0 ни ташкил қилади.***

***Чехиядан қайтиб келгач, бир неча суғурта компанияларига ана шу масала юзасидан мурожаат қилдим. Уларда 75 ёшдан ошган кишиларни суғурталашда коэффициент 3,0 дан ошмайди. Тушунтириб берсангиз, хорижга чиқаётганларни суғурталаш ёши коэффициентларининг суғурта компаниялари томонидан тасдиқланиши учун қонун билан белгиланган бирор-бир меъёрлар мавжудми?***

***Турли суғурта компанияларида ёш коэффициентларидаги бунчалик катта фарқни ва истеъмолчининг танлаш ҳуқуқи чекланишини қандай тушунтириш мумкин?***

***Ҳурмат билан С.А.***

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 942-моддасига мувофиқ суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусиятини ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотни белгилайдиган суғурта тарифларини қўллашга ҳақли. Қонунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг миқдори давлат суғурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган суғурта тарифларига мувофиқ белгиланади.

Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича, хусусан, хорижга чиқаётган шахсларни суғурталаш бўйича суғурта компаниялари суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусиятини ҳисобга олган ҳолда суғурта суммаси бирлигидан ундириладиган мукофотни белгилайдиган, ўзлари ишлаб чиққан суғурта тарифларини қўллашга ҳақлидир.

***И.ҲАЛИМОВ,***
***Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғурта назорати инспекциясининг бошлиқ ўринбосари.***

• РЕКЛАМА

"Картрижларни Тўлдириш Маркази"
*муваффақиятингиз учун комплекс ечим*
919-30-40
*картрижлар, принтерлар, копирлар, ШКларни*
**ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ**
**7 777** сўмдан бошлаб
**"Trade in"** хизмати

# ЁНИЛҒИГА ОЛОВ БИЛАН ЯҚИНЛАШМАНГ!

***Ҳаётда шундай инсонлар борки, автомашинасининг парваришига алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёндашадилар. Машинанинг устига гард юқтириш у ёқда турсин, ҳатто мойга ботиб турадиган мотор қисмларини ҳам ялтиратиб қўядилар. Айримлар эса, машина фақат миниш учун ишлаб чиқарилган, шунинг учун унинг кучидан имкон борича максимал фойдаланиш керак, дейдилар. Эрталаб унга миниб олгач, то кечгача тиним бермайдилар: узоқяқин масофанинг ҳаммасига «рулда боришади». Ҳайдовчиликка шу қадар берилиб кетадиларки, кўпинча «темир тойчоқ»ларининг ҳолидан хабар олишни хаёлларига келтирмайдилар, махсус усталарга кўрсатмайдилар. Худди шу эътиборсизлик бир куни уларнинг иш устида шошиб турган вақтида, айниқса йўлда кетаётганда тўхтаб қолишга ёки бошқа фавқулодда ҳолатларга олиб келиши мумкин. Йўлда тўхтаб қолса майли-ку, машинанинг техник носозлиги бошқа кўнгилсизликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Ахир машинани жойидан қўзғатадиган ва асосий юргизадиган нарсаси унинг ёқилғиси-да. Ёқилғи эса, яъни бензин ёки керосин салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик билан бирдан ўт олиши ҳеч гап эмас. Машинани кун бўйи ҳайдасангиз, айниқса ҳайдаш муддати бир оз ўтган бўлса, унинг электр симлари ва бошқа нозик қисмлари ҳам қизиб кетишига ва ўзаро қисқа туташув содир бўлиб, бошқа кутилмаган воқеаларга олиб келиши мумкин.***

Мисол тариқасида жорий йилнинг ўтган даврида автомашиналар билан содир бўлган кўнгилсиз воқеалардан баъзилари билан таништириб ўтишни жоиз деб топдик. Автомашинанинг носозлиги ва ҳайдовчининг ўз машинасига эътиборсизлиги ачинарли ҳолатга олиб келади. Бу ҳодиса Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Қувасой кўчаси йўл четида турган Р.Раҳимовга бириктирилган 75-автокорхонага қарашли «ЗИЛ-130» юк автоуловида ёнғин содир бўлади. Ёнғин натижасида автоуловнинг мотор, салон қисми ва 2 та автомашиналари ёнган. Ёнғин сабаби ўрганиб чиқилганда, автоулов электр симларининг қисқа туташуви содир бўлиб алангаланиб кетади.

Термиз-Тошкент йўналишининг 101-чақиримида ҳаракатланиб кетаётган Б.Юнусов бошқарувида бўлган шахсий «Мерседес-бенц» русумли автобуснинг двигатели, салон қисми, баллонлари ва ҳайдовчининг шахсий ҳужжатлари ёниб кетади. Ёнғин сабаби ўрганилганда, автоуловнинг глушитель қисми носоз эканлиги, ёнғин айнан шу носозлик туфайли чиққанлиги маълум бўлади.

Айрим ҳолларда ҳайдовчиларга ҳайрон қоласан. Машина таъмирлашнинг ўзига яраша қоидалари бўла туриб, бу ишга совуққонлик билан, ўзбошимчалик ила ёндашадилар. Бу ҳодиса Бухоро вилоятида содир бўлган. «КамАЗ» автоуловининг ҳайдовчиси машинасининг ёқилғи бакини таъмирламоққа бел боғлайди. Таъмирлаш учун эса олов билан ишлаш, яъни пайвандлаш керак эди. «Устоз кўрмаган уста» ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ёниб турган сварка мосламасини бакка яқинлаштиради. Бир неча йиллар давомида бакка қуйилиб келган ёқилғи суюқликлар темир бакка сингиб, ўз асарини йўқотмай турган эди. Ҳайдовчи бакни ҳатто ювиб ташламасдан сварка мосламасидаги алангани бакка олиб келади. Бакдаги буғлар шу заҳотиёқ ёниб, портлаш ҳосил этади. Натижада «уста»нинг бутун бадани куйиб, тан жароҳат билан касалхонага ётқизилади. Яхшики, бак ичида бирор томчи ёқилғи қолмаган экан, акс ҳолда машинани ҳам жойидан топиб бўлмай қоларди.

Яна бир ҳолатда ҳайдовчи мотоциклга ёқилғи қуйиш вақтида ўз хавфсизлигини ўйламасдан, сигарета чекиб юборади. Сигаретанинг кули эгнидаги кийимга сачраган бензин доғларига тушиб, кийимини ёндириб юборади. Натижада мотоциклчи қаттиқ куйиб, тан жароҳати олади.

Қанчадан-қанча тушунтириш ишлари олиб борилаётган, ОАВда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, афсуски айрим фуқаролар бу масалаларга етарлича аҳамият бермаётирлар. Бунинг оқибати эса кўпинча аянчли тугамоқда.

Шунинг учун бундай кўнгилсиз ҳолатларга дучор бўлмасликнинг олдини олишда оддийгина йўл тутиш керак – бор-йўғи ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш!

***Нурулло ҲАЙДАРОВ,***
***Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант.***

# ЕТИМЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

**?** ***Давлат кўп йиллар давомида тўлиқ етимларга ва отаси ёки онаси йўқ етимларга ижтимоий ёрдам кўрсатиб келмоқда.***

***Жорий йил Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилинган. Ушбу йилда олий ўқув юртларига ўқишга кирган иккала тоифадаги етимларга бирор-бир имтиёзлар берилганми? Шунингдек улар учун олий ўқув юртларига контракт пулини тўлашда имтиёзлар мавжудми?***

**Ҳурмат билан В.Львова.**

– Амалдаги қонунчиликка мувофиқ олий ўқув юртларига киришдаги имтиёзлар (олдиндан тест синовлари ва қўшимча имтиҳонларни топширмаслик) фақат халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларига берилган *(Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 157-сон қарорига 5-илова)*.

Бироқ «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг *(1997 йил 29 августдаги 464-I-сон)* 22-моддасига, шунингдек «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун *(2008 йил 7 январдаги ЎРҚ-139-сон)* 27-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ етим болалар ва ота-оналари ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва таъминлаш тўлиқ давлат таъминоти асосида қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Давлат кафолатлайдиган бепул таълим фақат мажбурий умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқиётган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-оналарининг васийлигисиз қолган болаларни моддий таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори *(2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон)* билан овқатланиш, кийим, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа предметлари, шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш меъёрлари тасдиқланган.

Ушбу меъёрлар олий ўқув юртларида ўқиётган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-оналари васийлигисиз қолган болаларга ҳам татбиқ этилади.

Бундан ташқари, ушбу тоифадаги болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул маблағлари тўланади. Шунингдек уларни (шу жумладан олий ўқув юртларида ўқиётган болаларни) дам олиш лагерлари, шу жумладан санатория туридаги лагерларга, пансионатлар ва профилакторийлар, дам олиш уйлари, спорт-соғломлаштириш лагерларига, тиббий ҳолатлар тақозо қилганида эса тегишли йўналишдаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган.

Абитуриентлар олий ўқув юртига ўқишга кирганларида тижорат банки берадиган таълим кредитидан фойдаланишлари мумкин. Уни беришни Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини бериш тўғрисидаги низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарорига илова)* тартибга солади. Ушбу ҳужжатга кўра таълим кредитлари бакалавриатга ўқишга қабул қилинган шахсларга 10 йилгача муддатга, магистратурага қабул қилинганларга 5 йилгача муддатга берилиб, ушбу муддатларга олий таълим муассасаларида ўқиш даври киритилади.

Таълим кредитлари бўйича қуйидаги фоиз ставкалари белгиланган.

– чин етимлар, Меҳрибонлик интернат-уйлари тарбияланувчилари ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига – ноль даражали фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);

– талабаларнинг қолган тоифаларига – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган ўзгарувчи фоиз ставкаси бўйича.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича ҳисоблаб ёзилган **фоиз тўловларининг** 50 фоизи бандликка кўмаклашиш туман маркази томонидан Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан тўланади. Кўрсатилган имтиёзга ҳуқуқи бўлган оилаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова)* мувофиқ аниқлайди.

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

а) таълим кредити берилишига ариза;

б) тўлов-контракт асосида ўқиш тўғрисида талаба билан олий таълим муассасаси ўртасида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилиши керак. Кейинги йилларда ўқиш ҳақи ўзгарган тақдирда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун ичида банкни ёзма равишда хабардор қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилади;

в) қарз олувчининг яшаш жойидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

> *Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар – юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:*
> *ногирон болалар;*
> *жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар;*
> *етим болалар;*
> *ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;*
> *ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;*
> *муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;*
> *кам таъминланган оилалардаги болалар;*
> *жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;*
> *зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар.*
>
> **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун.**

д) чин етимлар, Меҳрибонлик интернат-уйларининг тарбияланувчилари, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққан, имтиёзли таълим кредитларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қиладилар.

Юқорида саналган ҳужжатлар билан бир вақтда қарз олувчи паспортни шахсан тақдим қилади. Банк паспорт ва бошқа тақдим қилинган ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ҳамда нусхалар олишга ҳақли.

Қарз олувчи гаровга мол-мулк ёки қимматли қоғозларни ёхуд банк кафолатини; учинчи шахс кафиллигини; суғурта компаниясининг қарз олувчи томонидан кредитни сўндириш хатарини суғурталаш тўғрисидаги суғурта полисини; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг кафиллигини (фақат ота-онасиз етимлар, Меҳрибонлик интернат уйлари тарбияланувчилари, I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб шахсларга) тақдим қилиб, кредит сўндирилиши кафолатини таъминлаши керак.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, у, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Тижорат банклари қарз олувчи томонидан ариза ва унга ҳужжатларнинг тўлиқ мажмуи тақдим этилганидан кейин 10 иш куни давомида кредит шартномасини кўриб чиқиши ва имзолаши, рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда эса аризачига сабабларини тушунтирган ҳолда ёзма хулоса бериши керак.

## Бизнинг маслаҳатлар

**?** ***Мен санъат коллежида фортепиано ўқитувчиси ва концертмейстер бўлиб ишлайман, яқинда 50 ёшга кириб, имтиёзли пенсияни расмийлаштирдим. «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2008 йил 1 августдаги сонида чоп этилган «Устама ҳақ учун асос йўқ» маслаҳатида пенсиясига устама назарда тутилган фуқаролар рўйхатининг «м» бандида менга дахлдор қоидани учратдим – театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича, энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида устама ҳақ бериларкан.***

***Бироқ мазкур газетани олиб, Самарқанд шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига мурожаат этганимда, газетада ёзилган пенсияга устама олиш ҳуқуқи бўйича рад жавоби олдим. Бошқарма ходимлари 1995 йилдаги Қонунни рўкач қилдилар, унга кўра мазкур устама фақат Самарқанд шаҳридаги 4 театр артистларигагина тегишли экан. Бундан ташқари, бошқарма ходимлари айтишича, мазкур устама ҳақни Самарқанд шаҳридаги мусиқа ўқув юртларининг бирорта ўқитувчиси ёки концертмейстери олмаганлар.***

***Ижтимоий таъминот бошқармасида ўз манфаатларимни ҳимоя қила олишим учун пенсияга устама ҳақ олишга бўлган ҳуқуқимни тушунтириб берсангиз.***

**Ҳурмат билан Самарқанд шаҳридаги санъат коллежи ўқитувчиси Ш.Хусанова.**

# БУ СИЗНИНГ РЎЙХАТИНГИЗМИ?

– Президентнинг 1995 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-1280-сон Фармонига кўра *(бундан кейин – Президент Фармони)* театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларига 1995 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидаги имтиёзлар берилади:



**– узоқ муддат хизмат қилганлиги учун лавозим маошининг қуйидаги миқдорларида ҳар ойлик тақдирлаш пули:**

1) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган театр-концерт ташкилотларининг артистларига: 1 йилдан 3 йилга қадар ишлаганда – лавозим маошининг 10 фоизи; 3 йилдан 5 йилгача – 20; 5 йилдан 10 йилгача – 40; 10 йилдан 15 йилгача – 45; 15 йилдан кўп ишлаганда – 50 фоизи;

2) театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимларига: 3 йилдан 5 йилга қадар ишлаганда – лавозим маошининг 10 фоизи; 5 йилдан 10 йилгача – 20; 10 йилдан 15 йилгача – 35; 15 йилдан 20 йилгача – 40; 20 йилдан 25 йилгача – 45; 25 йилдан кўп ишлаганда – 50 фоизи;

3) ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларига: 3 йилдан 5 йилга қадар ишлаганда – лавозим маошининг 10 фоизи; 5 йилдан 10 йилгача – 15; 10 йилдан 15 йилгача – 20; 15 йилдан 20 йилгача – 30; 20 йилдан 25 йилгача – 40; 25 йилдан кўп ишлаганда – 50 фоизи;

**– пенсияга чиққанда – амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқилган асосий пенсияга республикада белгиланган энг кам иш ҳақига фоизларда ҳар ойлик устама ҳақ:**

– ёшидан қатъи назар пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга – 75;

– театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимлари, ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларига – 50 фоиз.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун *(1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон, бундан кейин – 938-XII-сон Қонун)* 28-моддасининг «м» бандига мувофиқ, сиз кўрсатган материалда ёзилганидек, пенсияларга устама ҳақлар «театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларига, **Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхат бўйича,** – энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида» назарда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан *(1995 йил 28 октябрдаги 415-сон)* **Президент Фармонининг амал қилиши татбиқ этиладиган театр-концерт ташкилотлари ва ўқув юртлари рўйхати ҳамда театр-концерт ташкилотлари артист ва бадиий ходимларининг,** театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи ўқув юртларининг **профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерларининг лавозимлари рўйхати тасдиқланган.** Чунончи, Самарқанд вилоятида ҳақиқатан ҳам имтиёзлардан фақат тўртта театр фойдаланади:

– Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма ва мусиқа театри;

– А.П.Чехов номидаги Самарқанд вилоят рус драма театри;

– Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри;

– А.Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри.

Мазкур имтиёзлар татбиқ этиладиган лавозимларга эса қуйидагилар киради:

**I. АРТИСТЛАР**

1. Саҳнанинг усталари.
2. Барча тоифалардаги балет артистлари.
3. Барча тоифалардаги вокалист артистлар (опера солистлари).
4. Барча тоифалардаги хор артистлари.
5. Барча тоифалардаги симфоник оркестр артистлари.
6. Барча тоифалардаги драма артистлари.
7. Ёрдамчи таркиб артистлари.

**II. БАДИИЙ ХОДИМЛАР**

1. Бадиий раҳбар.
2. Директор, директор ўринбосари.
3. Бош режиссёр, бош дирижёр, бош рассом, бош хормейстер, бош балетмейстер.
4. Саҳналаштирувчи режиссёр, саҳналаштирувчи балетмейстер, саҳналаштирувчи рассом, саҳналаштирувчи дирижёр, дирижёр, балетмейстер, рассом, хормейстер.
5. Вокал бўйича концертмейстер, балет бўйича концертмейстер, аккомпаниатор, аккомпаниатор-концертмейстер, адабий қисм, мусиқий қисм, бадиий-саҳналаштириш қисми, труппа мудирлари, бадиий раҳбар ёрдамчиси, бош режиссёр ёрдамчиси.
6. Вокал бўйича репетитор, балет бўйича репетитор, овоз режиссёри, нутқ техникаси бўйича репетитор.
7. Ишлаб чиқариш устахонаси, цех мудирлари.
8. Безатувчи рассом, рассом, бутафор-декоратор, пардозчи, костюмчи, реквизитор, тикувчи, бичувчи, режиссёр ёрдамчиси, ассистент, суфлёр, пойабзалчи, электр ёритувчи, овоз ёзиш оператори, монтажчи ва саҳна машинисти.
9. Катта иқтисодчи, иқтисодчи, бош бухгалтер, бухгалтер, кассир, барча ихтисосликлар бўйича катта техниклар, овоз ёзиш оператори, катта инспектор, инспектор.

**III. ЎҚУВ ЮРТЛАРИ**

М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерлари; Тошкент хореография билим юрти раҳбарлари, ўқитувчилари, концертмейстерлари.

Агар сиз юқорида саналган театрлардан бирида ишласангиз ва лавозимингиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ-1280-сон Фармонининг амал қилиши татбиқ этиладиган театр-концерт ташкилотларининг артист ва бадиий ходимлари, кўрсатилган ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркиби ва концертмейстерлари лавозимлари рўйхатига киритилган бўлса, пенсияга устама олиш ҳуқуқига эгасиз. Ва бу ҳолда пенсияга устама ҳақ тайинлашни, бинобарин устига уни Самарқандда бирортаси ҳам пенсионер олмаслиги сингари асосга кўра, рад қилиш ноқонунийдир.

***Саволларга «Norma» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарори)»;

– «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МББнинг «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚ, МВ, ДСҚнинг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ички ишлар вазирининг «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР МББнинг «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ ПФ–3706-СОН ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАҚИДА» 2006 ЙИЛ 11 ЯНВАРДАГИ 4-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА (ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «КАСАНАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2008 ЙИЛ 1 ИЮЛДАГИ 146-СОН ҚАРОРИ)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 33-сон, 318-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 3-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 11 август*
*181-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 11 августдаги 181-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ ПФ-3706-СОН ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАҚИДА» 2006 ЙИЛ 11 ЯНВАРДАГИ 4-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Белгилансинки, касаначилик билан шуғулланадиган шахслар коммунал хизматларга аҳоли учун қўлланиладиган тарифлар бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўлайдилар».

2. 6-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«янги касаначилик иш ўринлари, шу жумладан касаначилик турларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этиш учун мавжуд захираларни аниқлаш ва ишга солишда корхоналарга кўмаклашиш»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи — тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

«туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари бажарилиши мониторингини олиб бориш;

иш берувчи корхоналар томонидан касаначиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларга кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар ҳимоя қилинишида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда банд бўлмаган аҳоли сонини ва малакасини аниқлаш, шунингдек аҳолининг кўрсатиб ўтилган тоифасига кейинчалик уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш».

3. 1-иловада (Касаначилик тўғрисидаги низомда):

а) муқаддимадаги «асбоб-ускуналар, жиҳозлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) III бўлим номидаги «асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Касаначилик шароитларида фойдаланиш мумкин бўлмаган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

г) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Иш берувчи касаначига меҳнат шартномасида назарда тутилган ишлар (хизматлар)ни бажариш учун тегишли сифатга эга бўлган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар тақдим этади (беради).

Корхоналар буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарь қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади»;

д) 18, 19 ва 22-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Касаначининг ишлаб чиқариш топшириғини ўз уйида ёки ўзига тегишли бошқа хоналарда бажариш билан боғлиқ харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 35-36-сон, 347-модда)*

Республикада архив ишини ва иш юритишни янада ривожлантириш, архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, тармоқнинг норматив ва методик базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури ҳамда мақсадли мўлжаллари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-илова*га мувофиқ;

архив иши ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-илова*га мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар 2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастурининг (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ва сақлаш хавфсизлиги шарт-шароитларини такомиллаштириш;

давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни рақамлаш, таъмирлаш, консервация қилиш ва архив ҳужжатларидан эҳтиётлаш мақсадида нусха олиш бўйича юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

республиканинг умумий фойдаланиладиган архив ахборотлари маълумотлари базасини шакллантиришни назарда тутувчи архив муассасаларининг маълумотлар узатиш ва интеграциялашган ахборот тизимининг корпоратив тармоғини яратиш;

масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш тизимини шакллантириш.

3. Давлат бюджети маблағлари, республика архив муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадлари ва грант маблағлари Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастур тадбирларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ҳамда архив иши ва иш юритишни ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли мўлжалларига эришилишини таъминласин.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари идоравий архивлар фаолиятини ривожлантириш, идоравий сақлашдаги Миллий архив фонди ҳуж-

---

**** 1 – 4-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. 2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури, «Ўзархив» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси, унинг ҳудудий бошқармалари билан www.norma.uz сайтининг фойдаланиш учун очиқ «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимида жойлаштирилган.***


НОРМА МАСЛАҲАТЧИ 6 N 38 (167) • 2008 йил 19 сентябрь

жатларининг сақланишини ва илмий-техник жиҳатдан ишланишини таъминлаш, шунингдек архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетини шакллантиришда:

ушбу қарорда назарда тутилган мақсадли мўлжалларга эришиш тадбирларини, шунингдек 2011 йилгача архив иши ва иш юритишни ривожлантириш дастурини амалга оширишга;

идоравий сақлаш босқичида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини илмий-техник жиҳатдан ишлашга ва уларнинг сақланишини таъминлашга, шунингдек вазирликлар, идоралар ва республика бошқа ташкилотларининг ҳар йилги таклифларига мувофиқ ходимлар малакасини ошириш тадбирларига зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили тақдим этиладиган ходимлар рўйхатлари асосида архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш курсларини ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Молия вазирлиги билан давлат янги архивларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларини келишиб олсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 8-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 26 август*
*194-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 26 августдаги 194-сон қарорига*
*5-ИЛОВА*

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2004 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛДАГИ 49-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ»;

учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Қарорга 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги тўғрисидаги низомда (4-илова):

а) 1-банддаги «ва улардан фойдаланиш тўғрисида» сўзларидан кейин «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» сўзлари қўшилсин;

б) 3-банддаги, 13-банднинг иккинчи хатбошидаги, 14-банднинг иккинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;

в) 4-банддаги «фармонлари» сўзидан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;

г) 7-бандда:

бешинчи ва еттинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошидаги «археография» сўзидан кейин «иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига тегишли бўлган ахборот ресурсларини сақлашни таъминлайдиган электрон архивларни ташкил этишни ва фаолият кўрсатишини тартибга солиш ҳамда мувофиқлаштириш»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;

д) 8-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«архившунослик, ҳужжатшунослик, археография соҳасидаги илмий-методик ишларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини архив иши ва иш юритиш амалиётига жорий қилади»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳужжатларнинг, шу жумладан давлат ахборот ресурсларининг илмий ва амалий қимматини экспертизадан ўтказишни ҳамда уларни доимий сақлаш учун давлат архивларига, шу жумладан электрон архивларга танлаб олишни ташкил қилади»;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «ва идоравий архивлар» сўзлари «идоравий архивлар, шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг идоралараро архивлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттизинчи хатбошидаги «архив иши» сўзларидан кейин «ва иш юритиш» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги ўттиз биринчи ва ўттиз иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ахборот ресурслари ва электрон ҳужжатлари ҳимоя қилинишини таъминланишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларининг эҳтиёт нусхалари яратилишини ташкил қилади»;

ўттиз биринчи — ўттиз иккинчи хатбоши тегишли равишда ўттиз учинчи — ўттиз тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 9-бандда:

бешинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«давлат ҳокимияти органларидан тугатилаётган корхоналар тўғрисида ахборот олиш»;

олтинчи — ўн иккинчи хатбоши тегишли равишда еттинчи — ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «яширилиши» сўзидан кейин «йўқотилиши» сўзи қўшилсин;

ж) 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» сўзлари «белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бош директорнинг белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бир нафар ўринбосари бўлади»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзархив» агентлиги аппарати ходимларини, Ўзбекис-

тон Республикаси марказий давлат архивлари директорларини ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади»;

саккизинчи хатбошидаги «давлат архивлари» сўзларидан кейин «шунингдек архив иши ҳудудий бошқармалари» сўзлари қўшилсин.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЧЕТ ЭЛДА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ УЧУН РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 610-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 35-36-сон, 355-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июнь ПФ–3619-сонли ҳамда «Ташқи иқтисодий савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 21 июлдаги ПФ–3631-сонли фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 28 мартдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби»га (1999 йил 22 январь, рўйхат рақами 610 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 23 август*
*390-3-сон.*

***2008 йил 8 сентябрдан кучга киради.**

*Марказий банк бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 390-3-сонли қарорига ИЛОВА*

### ЧЕТ ЭЛДА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ УЧУН РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 2.2.5-бандда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4.6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.6. Юридик томонидан чет эл валютасидаги тушумнинг яширилиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

3. 4.7-бандда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ушбу Тартибга киритилаётган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

***Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. ГАНИЕВ.***

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***

***Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.ПАРПИЕВ.***

*Тошкент ш., 2008 йил 23 август.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛИНИШИ МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 сентябрда 1147-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 35-36-сон, 357-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 425-сонли «Истеъмол товарлари импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси,

***2008 йил 13 сентябрдан кучга киради.**

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 1 июнда 02/8-15, 01-03/32 ва 2002-53-сонли қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (2002 йил 4 июнь, рўйхат рақами 1147 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 11-12-сон) 6-банди учинчи хатбошисидаги «50» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

*Давлат божхона қўмитаси раиси* **С.НОСИРОВ.** *01-02/20-52-сон*

*Молия вазири* **Р.АЗИМОВ.** *89-сон*

*Давлат солиқ қўмитаси раиси* **Б.ПАРПИЕВ.** *2008-37-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 25 август.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛКНИ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ «БАҲОЛОВЧИЛАР ИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР»НИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 сентябрда 1851-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 35-36-сон, 360-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

**2008 йил 15 сентябрдан кучга киради.*

1. Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси Д.МУСАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 19 август*
*01/19-18/13-сон.*

*Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг*
*2008 йил 19 августдаги*
*01/19-18/13-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛКНИ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (7-СОН МБМС) БАҲОЛОВЧИЛАР ИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Мазкур Мулкни баҳолаш Миллий стандарти (7-сон МБМС) «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар» Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ, баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 7-сон МБМСнинг асосий мақсади — баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидаларни ишлаб чиқишга нисбатан ёндашув ва тамойилларини, шунингдек мазкур қоидаларни қўллашда ички назоратни ташкил қилиш ва тартибга солиш талабларини бирхиллаштиришдир.

2. 7-сон МБМСнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларини ишлаб чиқишнинг ягона тамойилларини белгилаш;

б) ички қоидаларни ишлаб чиқишда баҳоловчи ташкилотларга қўйиладиган мажбурий талабларни белгилаш;

в) баҳоловчилар ва баҳоловчи ташкилотларнинг бошқа ходимлари томонидан ички қоидалар талабларига риоя қилиниши устидан ички назоратни амалга ошириш тартибини тавсифлаш.

3. Барча баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларни ишлаб чиқиши ва амалда қўллаши мажбурийдир.

4. 7-сон МБМС баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир касбий йўналишлари доирасига кирмайдиган масалалар бўйича тартибга солувчи ички ҳужжатларининг шакли, мазмуни ва тайёрлашни тартибга солишни мақсад қилиб олмаган.

### II. БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Баҳоловчи ташкилотнинг ички қоидалари дейилганда баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш фаолиятини амалга оширишда самарадорликни таъминлаш ва мазкур

фаолиятни Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда юритиш мақсадида қабул қилиниб, тасдиқланган баҳолаш ишларини амалга ошириш ва расмийлаштиришга доир ягона талабларни белгиловчи ҳужжатлар тушунилади.

6. Баҳоловчи ташкилот баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш, баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосаларини тузишга доир ўз ёндашувини акс эттирувчи ички қоидалар бўйича ҳужжатлар тўпламини шакллантириши зарур.

7. Баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидалари баҳоловчиларга амалиётда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш ва баҳолаш ишларининг сифатини ошириш юзасидан ўз ҳаракатларининг аниқ тартибини белгилашга қаратилган тавсиялардан иборат бўлиши керак.

8. Ички қоидалар баҳоловчиларнинг мазкур баҳоловчи ташкилот доирасидаги фаолиятини тартибга солади ҳамда баҳоловчи ташкилотнинг ходимлари ва раҳбарияти ўртасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни тартибга келтириш учун асос бўла олади.

9. Ички қоидаларни қўллаш натижасида баҳоловчи ташкилотларга баҳоловчилар ва уларнинг ёрдамчилари ишини қўшимча равишда назорат қилинишини таъминлашга ва бу билан баҳоловчи ташкилот кўрсатаётган хизматлар сифатини оширишга имкон яратилади.

10. Баҳоловчи ташкилотлар ички қоидалари баҳолаш фаолиятини амалга ошириш тартибини очиб берадиган ва баҳоловчи ташкилотда қўлланилиши мажбурий бўлган қоидалар, услубий қўлланмалар ва бошқа ҳужжатлардан иборат.

11. Баҳоловчи ташкилотлар ички қоидалари амалий фойда бериши керак, яъни улар:

Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши ва ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлаши;

аниқ ифода қилиниши, тўлиқ ва равшан баён этилиши;

мазкур қоидалар масалаларини тўлиқлигича қамраб олиши, баён этилган тамойил ва қоидаларни мантиқан ривожлантириши;

улардаги барча атамалар бир хил талқин қилиниши лозим.

12. Ички қоидалар баҳоловчи ташкилотнинг мулкни баҳолаш жараёнини ташкил этиш ва ўтказишга нисбатан комплексли ёндашувининг умумий тавсифини бериши керак.

13. Баҳоловчи ташкилотлар халқаро баҳолаш стандартларига мувофиқ мулкни баҳолашни ўтказиш учун мўлжалланган ички қоидаларни ишлаб чиқишда халқаро баҳолаш стандартларида назарда тутилган меъёрлар ва тамойилларга амал қилиши керак.

14. Мулкни баҳолашнинг маълум соҳасида баҳолаш фаолиятининг стандартлари, баҳолашни ўтказишга доир батафсил услубий қўлланмалар ва ёндашувлар мавжуд бўлмаган тақдирда, баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларни ишлаб чиқишда қонунчиликда белгиланган ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда халқаро баҳолаш стандартларига амал қиладилар.

15. Баҳоловчи ташкилот мустақил равишда ички қоидалари ишлаб чиқиш рўйхати ва тартибини белгилайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларида айрим ҳолатлар ички қоидалар сифатида қўшимча тарзда тасдиқланиши лозимлиги ҳақида бевосита кўрсатмалар берилган тақдирда, баҳоловчи ташкилот мазкур кўрсатманинг биринчи навбатда бажарилишини таъминлаши шарт.

## III. БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

17. Баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидалари ўз вазифаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

а) мулкни баҳолаш бўйича умумий қоидалардан иборат қоидалар;

б) мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи қоидалар;

в) баҳолаш ҳисоботларини тузиш тартибини белгиловчи қоидалар;

г) эксперт хулосаларини тузиш тартибини белгиловчи қоидалар;

д) махсус қоидалар;

е) профессионал хизматлар кўрсатиш тартибини белгиловчи қоидалар;

ж) кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш қоидалари;

з) бошқа қоидалар.

18. Мулкни баҳолаш бўйича умумий қоидалардан иборат ички қоидалар баҳоловчилар ўртасидаги, шунингдек баҳоловчи ташкилот ходимлари ва раҳбарияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган.

19. Мулкни баҳолаш бўйича умумий қоидалардан иборат ички қоидалар рўйхати қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) ички қоидаларни ишлаб чиқишга оид концепция ва ёндашувни тавсифловчи қоидалар, шу жумладан уларнинг тузилишини белгиловчи ҳужжат;

б) баҳоловчининг хулқ-атвори этикасини белгиловчи қоидалар;

в) баҳолашни сифатли ўтказиш устидан ички назоратни юритиш тартибини ҳамда баҳоловчилар масъулиятини тартибга келтирувчи қоидалар;

г) бошқа қоидалар.

20. Мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи ички қоидаларда мулкни баҳолаш жараёнини ўтказиш қоидалари ифода қилинади.

21. Баҳоловчи ташкилотларнинг мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи ички қоидалари рўйхати қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) баҳоловчи масъулиятини тартибга солувчи қоидалар;

б) мулкни баҳолашни ўтказиш тартибини белгиловчи қоидалар;

в) баҳолаш учун зарур маълумотларни олиш тартибини белгиловчи қоидалар;

г) учинчи шахслар ишидан фойдаланиш тартибини белгиловчи қоидалар;

д) бошқа қоидалар.

22. Баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосаларини тузиш тартибини белгиловчи ички қоидалар баҳоловчи ташкилотнинг мулкни баҳолаш натижалари бўйича баҳолаш ҳисоботлари ҳамда ўтказилган экспертиза (текширув) натижалари бўйича эксперт хулосаларининг мазмуни ва тузилишига доир ички талаблардан иборат бўлиши лозим.

23. Мазкур қоидалар рўйхатига мулкни баҳолаш натижалари бўйича баҳолаш ҳисоботлари ҳамда ўтказилган экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосаларини тайёрлаш тартибларини белгиловчи қоидаларни киритиш мумкин.

24. Махсус ички қоидалар турли хил мулклар бўйича баҳолашни ўтказиш услубиёти доирасидаги қоидаларни ўз ичига олади.

25. Қоидалар рўйхати қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: интеллектуал мулк, заргарликда ва майда зебу зийнат буюмларига ярайдиган тошлар, қимматбаҳо металлар, учиш аппаратлари ва бошқа мулкларни баҳолашнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи қоидалар.

26. Профессионал хизматларни кўрсатиш тартибини белгиловчи ички қоидалар баҳолаш фаолиятига баравар келадиган профессионал хизматлар турларини кўрсатиш тартибига оид қоидалардан иборат.

27. Мазкур ички қоидалар рўйхатига қуйидагилар кириши мумкин:

а) баҳолаш ҳисоботининг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш қоидалари;

б) баҳолаш фаолияти соҳасида ахборот технологияла-

рини жорий этиш ва баҳолаш жараёнини автоматлаштириш қоидалари;

в) баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва натижаларини ошкор этиш қоидалари.

28. Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича ички қоидалар баҳоловчилар ва мутахассисларнинг таълими, касбий билим даражасига нисбатан талабларни белгилайди, баҳоловчи ташкилот ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тартибга солади.

29. Баҳоловчи ташкилот ички қоидалари тузилмаси қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) тартибга солувчи параметрлар — Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларига ҳамда ички қоидаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган халқаро баҳолаш стандартларига таянган ҳолда ишлаб чиқилади;

б) умумий қоидалар — ички қоидалар зарурати, улардаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг ифода этилиши, қўлланилиш соҳаси;

в) мақсад ва вазифалар — қоидаларни белгилаш ва улар ёрдамида ҳал этилиши таъминланадиган маълум муаммолар;

г) бошқа қоидалар билан ўзаро боғлиқлик — бошқа қоидаларда белгиланган тегишли бандларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади;

д) асосий тамойиллар ва услубий қўлланмаларни белгилаш — баҳоловчи ташкилот томонидан мулкни баҳолашни ўтказиш жараёнига, қабул қилинган услубий қўлланмалар (тавсиялар) ва қоидалар бўйича кўриб чиқиладиган муаммоларни ҳал этишнинг техник усулларига тавсиф берилади;

е) расмийлаштириш — баҳоловчи қоидаларда белгиланган талабларга кўра тузиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати.

30. Ички қоидалар реквизитлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) рақам (номер) — мазкур қоиданинг тартиб бўйича ёзиладиган ёки серияли коди;

б) амал қилишга киритилган сана;

в) номи — қоидаларда белгиланган бандларнинг қисқа ва аниқ ифода этилиши;

г) қоидаларни тасдиқлаган шахснинг кўрсатмалари ва кўрсатма берилган сана;

д) тааллуқлилиги — мазкур ҳужжат билан боғлиқ бўлган илгари қабул қилинган, оммалаштирилган ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган қоидаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади;

е) қўлланилиш доираси — мазкур қоидалар татбиқ этиладиган (ёки татбиқ этилмайдиган) объектлар рўйхати.

31. Ички қоидаларга қўшимча равишда уларда акс эттирилган алоҳида қоидаларда келтирилган тушунчаларга изоҳ берувчи иловалар (услубий қўлланмалар, тартиблар рўйхати, сўровномалар, компьютер дастурлари, ишчи жадваллар ва ҳ.з.) ишлаб чиқилиши мумкин.

32. Ички қоидаларга ишлаб чиқиладиган иловалар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

а) ички қоидаларни қўллаш тартиби;

б) мулкни баҳолаш жараёнининг ҳар бир босқичини ўтказиш (бажариш) технологиясини тавсифлаш;

в) сўровномалар ва баҳолаш тартиблари рўйхати;

г) жадваллар, схемалар, услубий ёндашувларни тасвирловчи, мисолларни рақамлар билан ифодаловчи ишчи ҳужжатлар ва мулкни баҳолашни ўтказиш тартиби;

д) мулкни баҳолашда фойдаланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга келтирилган рўйхати.

33. Баҳоловчи ташкилотнинг ички қоидаларини тайёрлашнинг намунавий тартиби ва намунавий шакли мазкур 7-сон МБМСнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган.

## IV. БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТНИНГ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИ ТАЛАБЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

34. Ички қоидалар баҳоловчи ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади, баҳоловчи ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса — таъсисчилар мажлиси ёки бошқа ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

35. Баҳолаш сифатига оид ички назоратни тартибга солувчи ички қоидалар уларда белгиланган талабларни бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш қоидалари (талаблари)ни ўз ичига олиши керак.

36. Ички қоидаларда белгиланган талабларга риоя этилиши учун жавоб берувчи мансабдор шахсларни тайинлаш тартиби назарда тутилиши мумкин.

37. Ички қоидаларга риоя этилиши устидан тегишли назорат ўрнатилишини таъминлаш учун баҳоловчи ва баҳоловчи ташкилот ўртасидаги меҳнат муносабатларида белгиланадиган баҳоловчининг функционал мажбуриятларига мазкур қоидаларни қўллаш зарурати киритилган бўлиши керак.

38. Ички қоидаларда баҳоловчи ташкилот томонидан мулкни баҳолашни ўтказишда бажарилиши мажбурий бўлган қоидалар белгиланиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларининг талаблари эътиборга олиниши лозим.

39. Ички қоидалар талаблари бажарилишини назорат қилиш баҳолаш фаолиятини амалга оширишнинг барча бўғинларида, баҳоловчидан тортиб баҳоловчи ташкилот раҳбарларигача ташкил этилиши лозим.

40. Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш жараёнида назорат ишларини олиб бориш учун баҳолашни ўтказиш сифатини назорат қилиш хизмати ташкил этилиши мумкин. Баҳолашни ўтказиш сифатини назорат қилиш хизмати таркибидаги назорат ишларини олиб борувчи мутахассисларни профессионал даражада тайёрлашга нисбатан ички талаблар баҳоловчи ташкилотнинг кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича ички қоидаларида белгиланади.

41. Баҳоловчи ташкилот ходимлари зиммасига ички қоидаларни овоза қилмаслик ва уларни мазкур баҳоловчи ташкилот фаолиятидан ташқарида қўлламаслик мажбурияти юклатилади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш Миллий стандарти (7-сон МБМС) «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»га*
*1-ИЛОВА*

## БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

1. Баҳоловчи ташкилот ички қоидалари тизимини яратишда самарадорликни таъминлаш учун баҳоловчи ташкилот ичида услубиёт бўйича кенгаш (услубиёт кенгаши) ёки баҳоловчи ташкилот ихтиёрига кўра бошқа махсус ҳайъат органи ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Услубиёт кенгаши баҳоловчи ташкилотнинг раҳбар ходимлари ва сара профессионал мутахассисларидан тузилади ҳамда баҳоловчи ташкилот томонидан тасдиқланган Услубиёт кенгаши тўғрисидаги низом асосида фаолият юритади.

3. Услубиёт кенгаши ишида, агар Услубиёт кенгаши тўғрисидаги низомда кўзда тутилган бўлса, четдан мута-

хассислар (баҳоловчилар жамоат бирлашмалари аъзолари, илмий ходимлар, ўқитувчилар, бошқа баҳоловчи ташкилотларнинг мутахассислари) иштирок этиши мумкин.

4. Баҳоловчи ташкилотнинг Услубиёт кенгаши вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) ички қоидаларни ишлаб чиқиш;

б) баҳолашнинг амалий тажрибасини умумлаштириш ва тизимлаштириш;

в) баҳоловчи ташкилотнинг баҳоловчилари ва бошқа мутахассислари ўқишини ташкил қилиш;

г) баҳолаш соҳасига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаб бориш, тартибга солиш ва таҳлил қилиш.

5. Ички қоидаларни ишлаб чиқиш баҳоловчи ташкилотнинг услубиёт хизмати мутахассислари билан бир қаторда баҳоловчи ташкилотнинг бошқа хизматлари мутахассислари томонидан ҳам амалга оширилиши ҳамда кейинчалик услубиёт кенгашида кўриб чиқилиб, маъқулланиши (ёки маъқулланмаслиги) мумкин.

6. Зарурат юзасидан ички қоидаларни ишлаб чиқиш баҳоловчи ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланган иш дастурига мувофиқ шартнома асосида ташқи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

7. Баҳоловчи ташкилот ички қоидаларини ташкил қилувчи қисмлар сифатида баҳоловчилар жамоат бирлашмалари ҳамда давлат идоралари томонидан тасдиқланган услубий қўлланмалар ва бошқа ишлаб чиқилган ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин.

8. Ишлаб чиқилган қоидалар (услубий қўлланмалар, йўриқномалар, низомлар) услубиёт кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинади ва кейинчалик баҳолаш ташкилоти раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қарор кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

*Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш Миллий стандарти (7-сон МБМС) «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»га*
*2-ИЛОВА*

## БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТ ИЧКИ ҚОИДАЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Баҳоловчи ташкилотнинг бланки ёки бурчак штампи
Фирмага оид номланиши, логотипи
Раҳбарнинг тасдиқловчи ёзуви, имзоси, санаси
Ички қоидаларнинг тўлиқ номланиши
Тартиб рақами (индекс, код)
Ҳужжатни тайёрловчи: (департамент, бўлим, ходим)
Ҳужжат тайёрланган сана

1. Ҳужжатнинг тузилиши
1.1. Ҳужжатни тузиш мақсади ва асослари
1.2. Фойдаланиш зарурати
1.3. Қўллаш соҳаси
1.4. Баҳолаш стандартлари (шу жумладан, халқаро баҳолаш стандартлари) билан ўзаро боғлиқлиги
1.5. Аввал қабул қилинган ички қоидалар билан изчиллиги
1.6. Амал қилиш муддати
2. Асосий тушунчалар ва таърифлар
3. Ички қоидаларнинг моҳияти
3.1. Асосий талаблар
3.2. Кўрсатилган муаммони ҳал этиш услубиёти
4. Мулкни баҳолашда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар
5. Иловалар
5.1. Баҳоловчининг иш ҳужжатлари макетлари
5.2. Саволлар ва тестлар
5.3. Баҳолаш тартиблари

Ҳужжатни тайёрлаш бўйича раҳбар имзоси

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ*

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 933-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 246-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрелдаги 87-сон буйруғи билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқнома»га (2000 йил 9 июнь, рўйхат рақами 933 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 йил, 12-сон) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргандан сўнг уч ой ўтгач кучга киради.

***Ички ишлар вазири***
***Б.МАТЛЮБОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 30 май*
*88-сон.*

***2009 йил 24 январдан кучга киради.**

*Ички ишлар вазирининг*
*2008 йил 30 майдаги 88-сон буйруғига*
*ИЛОВА*

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. 3.3-банд «135-моддасида» деган сўзлардан кейин «$135^1$-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3.4-банд «135-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «$135^1$-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 3.5-банд «135-моддаси биринчи қисмида» деган

сўзлардан кейин «135[1]-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 3.7-бандда:

биринчи хатбошиси «135» рақамидан кейин «135[1]» рақами билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: Кодекснинг 135[1]-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда суғурта идораларининг ҳуқуқбузарлик аломати бартараф этилганлиги ҳақидаги тегишли маълумоти тақдим этилгандан сўнг транспорт воситасини қўйиб юборишга рухсат берилиши мумкин».

5. 3.23-банднинг учинчи хатбошиси «135-моддасида» деган сўзлардан кейин «135[1]-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

# АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ҚУРИЛГАН ЁКИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНГАН УЙ-ЖОЙЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 29-30-сон, 286-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Ипотека тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3878-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда), 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–10-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 54-модда) асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

***Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 13 июнь*
*14/5-сон.*

***2008 йил 22 июлдан кучга киради.**

*Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

## АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ҚУРИЛГАН ЁКИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНГАН УЙ-ЖОЙЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ва «Ипотека тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 393-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3878-сонли Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда) ва 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–10-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 54-модда) мувофиқ, пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан қурилган ёки реконструкцияси қилинган кўп қаватли уйдаги квартираларни тижорат банклари (кейинги ўринларда матнда банк деб юритилади) орқали аҳоли, шу жумладан, ёш оилаларга сотиш ҳамда уларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**ипотека кредити олувчи** — кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун олинган кредитни кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини оладиган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ишчи гуруҳларининг тавсияларига эга бўлган фуқаро;

**сотувчи (қурувчи/буюртмачи)** — банк кредити ҳисобига ёки ўз маблағлари ҳисобига қурган, реконструкция қилган тайёр уй-жойни бирламчи бозорда сотиш учун таклиф этувчи юридик шахс;

**алоқадор кредит олувчи** — ипотека кредити олувчи билан бирга яшайдиган, кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларда иштирок этувчи ҳамда кредит бўйича фоизларни тўлаш ва уни қайтаришда биргаликда (солидар) жавобгар бўладиган унинг оила аъзолари;

**бошланғич бадал** — ипотека кредити олувчи томонидан банкда очилган мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига кўп қаватли уйдаги квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги киритган пул маблағлари;

**ёш оила** — доимий иш жойига ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинадиган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган ҳар иккаласи биринчи марта расмий никоҳда бўлган, ипотека кредити беришни сўраб ариза берган санага қадар ҳар бири 30 ёшдан ошмаган ёшлар;

**кредит шартномаси** — Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган, уй-жой сотиб олиш учун кредит объектини гарови асосида кредит бериш тўғрисидаги шартнома;

**ипотека шартномаси** — Ўзбекистон Республикасининг

«Ипотека тўғрисида»ги Қонунида белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда тузилган, кредит шартномаси бўйича мажбуриятни таъминлашда ипотекани (кўчмас мулк гаровини) белгилаш ҳақидаги шартнома;

**тўлов лаёқати** — ипотека кредити олувчи (алоқадор кредит олувчилар)нинг умумий даромадлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда кредит шартномаси бўйича ўз тўлов мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажариш қобилияти;

**бирламчи уй-жой бозори** — янги уй-жой фондидан уй-жой таклиф этувчи бозор;

**жамғарма омонати** — кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки бадал тўловини киритиш учун очиладиган мақсадли омонат;

**жамғарма омонат шартномаси** — кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги дастлабки бадал тўловини киритиш учун очиладиган мақсадли жамғарма омонати ва унинг шартларини акс эттирувчи шартнома.

2. Мазкур Низомга асосан ипотека кредитлари банк томонидан қайтаришлик, мақсадлилик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартлари асосида бирламчи бозордаги кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олиш учун ажратилади.

3. Доимий иш жойи ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинадиган даромад ва бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган уй-жойга муҳтож ва тўловга қобилияти мавжуд оилаларни аниқлаш ва уларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш учун тавсиялар бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда матнда ишчи гуруҳлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳлар томонидан уй-жойга муҳтож ва тўловга қобилиятли ёш оилаларни аниқлаш ва уларга тавсияномалар бериш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

4. Корхона ва ташкилотлар уларда ишлаб турган ишчи гуруҳларининг тавсияларига эга бўлган ёш оила аъзолари ҳисобланадиган ходимлари ва бошқа ходимларига кўп қаватли уйдаги квартиралардан банк билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда олдиндан пул ўтказиш орқали сотиб олишлари мумкин.

## II. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

5. Ипотекали кредитлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган кредит миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан ошмаган миқдорда белгиланади.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредити миқдори банкнинг ички кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланади.

Банк томонидан бериладиган ипотека кредити миқдори кредит ресурслари манбасидан қатъи назар, (халқаро ва хорижий молия институтларининг грантлари, инвестициялари, жумладан кредитлари ҳисобидан бериладиган кредитлар бундан мустасно) кўп қаватли уйдаги квартира қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги лозим.

6. Ипотека кредитлари қарз олувчининг тоифасидан келиб чиқиб, қуйидаги шартлар асосида берилади:

Ёш оилаларга, ипотека кредити 15 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан банкнинг ўз маблағлари ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ажратилади.

Ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари бўйича белгиланадиган йиллик фоиз ставкаси молиялаштириш манбасидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича белгиланади:

банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари бўйича йиллик фоиз ставкаси, кредит шартномаси тузиладиган даврдаги Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида;

ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитлари бўйича йиллик фоиз ставкаси — йилига кўпи билан 5 фоиз миқдорида.

Дастлабки бадалнинг бир қисмини ёки барча суммасини ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар томонидан пул ўтказиш орқали ипотека кредити олувчи ёш оила аъзоси номига очилган мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига ўтказиб берилиши мумкин.

Банк томонидан бевосита жалб этилган халқаро ва хорижий молия институтларининг грантлари ва инвестициялари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитлари бўйича муддат ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси ушбу маблағларни бериш тўғрисида банк ва кўрсатиб ўтилган молия институтлари ўртасида тузилган тегишли шартномалар шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## III. КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДАГИ КВАРТИРАЛАРНИ БИРЛАМЧИ БОЗОРДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОРҚАЛИ СОТИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

7. Кўп қаватли уйлардаги квартиралар ишчи гуруҳларининг тавсияларини олган фуқароларга уларнинг ўз маблағлари ёки расмийлаштирилган ипотека кредитлари маблағлари ҳисобидан реализация қилинади.

8. Кўп қаватли уйлардаги квартиралар ушбу кўп қаватли уйларни қурган ёки реконструкция қилган пудрат қурилиш ташкилоти томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган нархларда реализация қилинади. Бунда кўп қаватли уйлардаги ҳар бир квартира қиймати бўйича маълумот пудрат қурилиш ташкилоти томонидан унга хизмат кўрсатувчи банк филиалига расмий равишда тақдим этилади (ушбу Низомнинг 1-иловаси). Банкларнинг филиаллари томонидан ушбу маълумот тегишли равишда барча тегишли банк филиалларига тақдим этилади.

9. Тавсиянома олган фуқаро ўзининг доимий рўйхатдан ўтган манзилидаги банк филиалига тавсияномани рўйхатга қўйиш учун топширади ва банк филиали тақдим этилган тавсияномани рўйхатга олиш дафтарига (кейинги ўринларда матнда дафтар деб юритилади) тақдим этилган санада рўйхатга олинишини таъминлайди.

Кўп қаватли уйдаги квартираларни банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳамда вилоят филиаллари томонидан дафтарларда рўйхатга олинган фуқароларга навбат тартибида бириктирилади. Бунда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти банк филиаллари томонидан тавсияномаларни рўйхатга олиш мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ амалга оширилади.

10. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида тавсиянома олган фуқаро ўзининг доимий рўйхатдан ўтган манзилидаги туман банк филиали, банк филиали бўлмаган тақдирда, ушбу туманга хизмат кўрсатиш учун бириктирилган банк филиали томонидан дафтарда тавсияномани тақдим этган санада рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят туманларидаги банк филиаллари томонидан дафтарларда рўйхатга олинган фуқаролар рўйхати банкнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалига расмий тақдим этилади. Банкнинг туман филиаллари ушбу рўйхатни ҳафтада бир маротаба янгилаб тақдим этади.

Бунда, банкнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг филиали туман банк филиаллари тақдим этган рўйхат жадвалини дафтардаги рўйхатга олиш навбатларига мос равишда тузилганлигини текшириб, рўйхатга олинган сана асосида умумлаштиради.

Мазкур умумлаштирилган рўйхат жадвали асосида кўп қаватли уйдаги квартираларни бириктириш Тошкент шаҳар бўйича банкнинг Тошкент шаҳар филиали ва Тошкент вилояти бўйича банкнинг Тошкент вилоят филиали томонидан навбат тартибида амалга оширилади.

11. Дафтарлардаги рўйхат навбати асосида (банкнинг Тошкент ва Тошкент вилоят филиалларида умумлаштирилган рўйхат жадвалидаги навбат асосида) фуқаро банк томонидан қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги бириктирилмаган квартиралар қийматлари ва уларнинг манзилий жойлашиши тўғрисидаги маълумот билан таништирилади. Фуқаро рўйхат жадвалидаги ўз навбати асосида ушбу бириктирилмаган квартиралардан бирини танлаб, танланган квартирани сотиб олиш учун унга ушбу квартирани бириктирилишини сўраб банк филиалига ариза тақдим этади (ушбу Низомнинг 2-иловаси). Ушбу аризада фуқаро кўп қаватли уй-жойдаги квартирани ўз маблағлари ҳисобига, иш берувчи ташкилот маблағлари ҳисобига ёки ипотека кредити ҳисобига сотиб олишини кўрсатиши лозим.

Банк филиали мазкур ариза асосида кўп қаватли уй-жойдаги унга бириктирилган квартира тўғрисидаги маълумотноманинг бир нусхасини фуқарога ва бир нусхасини ушбу бириктирилган квартира жойлашган кўп қаватли уй-жойни қурувчи пудрат ташкилотига хизмат кўрсатувчи банк филиалига тақдим этади (ушбу Низомнинг 3-иловаси).

Фуқаро қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги бириктирилмаган квартиралар қиймати ва уларнинг манзилий жойлашиши билан танишиб, ушбу квартиралардан бирини сотиб олишни истамаган тақдирда, буни расмий ариза билан маълум қилиши лозим.

12. Кўп қаватли уй-жойдаги квартирани ипотека кредити ҳисобига расмийлаштирадиган фуқаролар, берилган аризаси билан биргаликда йўлланган банк филиалига ипотека кредити расмийлаштириш учун белгиланган тартибдаги талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим қилади.

13. Қарз олувчи томонидан ипотека кредити расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 9-модда) ва банкнинг ички кредит сиёсати асосида кўриб чиқилади.

Банк филиали кредит комиссияси томонидан тақдим этилган кредит ҳужжатлари белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ипотека кредити ажратиш ёки рад этиш тўғрисидаги асосланган қарор қабул қилади.

Банк филиали кредит комиссияси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда ёзма равишда қарз олувчига ва квартира бириктирган банк филиалига рад этилиши сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беради.

14. Квартираларни бириктириш ваколатига эга бўлган банк филиаллари томонидан ипотека кредитини ажратиш рад этилган фуқароларга бириктирилган квартиралар ушбу тартибга мувофиқ навбатдаги фуқароларга қайта бириктирилади.

15. Банкнинг филиали кредит комиссияси ипотека кредити бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан кейин банк уч кун муддатда фуқарони ёзма равишда хабардор қилади. Ёзма равишдаги хабарномада фуқаро ўз номига жамғарма омонат ҳисобварағини очиш учун 5 кун муддатда банкка келиши зарурлиги кўрсатилади (ушбу Низомнинг 4-иловаси).

16. Ипотека кредити бериш бўйича ижобий қарор қабул қилингандан сўнг, фуқаро унга бириктирилган квартирани харид қилишда квартирани белгиланган қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган дастлабки бадални киритиб қўйиш учун белгиланган тартибда банк филиалида мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағи очади.

Бунда ҳар бир қарз олувчи билан алоҳида жамғарма омонат шартномаси имзоланиб, унга 20406-сон жамғарма депозит (омонат) («уй-жой бошланғич бадали») ҳисобварағи очилади ва қарз олувчи томонидан дастлабки бадал маблағлари 2 ой муддатда, аммо кўп қаватли уй давлат қабул комиссияси томонидан эксплуатацияга қабул қилинган санадан кечиктирмаган ҳолда кирим қилиниши шарт.

17. Банк филиали бириктирилган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига бадал киритган қарз олувчилар рўйхати ва уларга бириктирилган квартира тўғрисида ёзма равишда маълумотни, ушбу квартира жойлашган кўп қаватли уй-жой қурилиши ёки реконструкциясини амалга ошираётган пудрат қурилиш ташкилотига тақдим этади (ушбу Низомнинг 5-иловаси). Шунингдек, банк филиаллари ушбу фуқаролар рўйхатининг бир нусхасини тегишли равишда банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят филиалларига ҳамда Тошкент шаҳар филиалига маълумот тариқасида тақдим этади.

18. Ушбу квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига бадал киритган қарз олувчилар ва уларга бириктирилган квартира тўғрисидаги ёзма маълумот пудрат қурилиш ташкилотига ушбу фуқаролар билан кўп қаватли уй-даги квартирани сотиш борасидаги шартномани тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

19. Қарз олувчи сотиб олинаётган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни киритиб бўлганидан сўнг, пудрат қурилиш ташкилоти билан 3 нусхада бириктирилган квартирани сотиб олиш учун белгиланган тартибда олди-сотди шартномасини тузади ҳамда қарз олувчи олди-сотди шартномасининг бир нусхасини банк филиалига тақдим этади.

20. Қарз олувчи унга бириктирилган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган муддатда бадал киритмаган тақдирда, банк филиали унга огоҳлантириш хатини юбориб, 5 кун муддатда жамғарма омонат ҳисобварағига сотиб олинаётган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни киритиши лозимлиги, акс ҳолда квартирани навбатдаги бошқа фуқарога қайта бириктирилиши ҳақида огоҳлантиради (ушбу Низомнинг 6-иловаси). Қарз олувчи ушбу муддатда ҳам сотиб олинаётган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни киритмаган тақдирда ушбу квартирани унга бириктириш бекор қилиниб, навбатдаги фуқарога мазкур тартиб асосида қайта бириктирилади.

21. Кўп қаватли уй қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилингандан сўнг, қарз олувчи ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, квартирага эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини (пудрат қурилиш ташкилоти билан тузилган олди-сотди шартномаси асосида) банк филиалига тақдим этади ва ўрнатилган тартибда ипотека шартномаси расмийлаштирилиб давлат рўйхатидан ўтказилади.

Қарз олувчи расмийлаштирилган ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг, банк филиали қарз олувчи томонидан унинг мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағида сотиб олинаётган кўп қаватли уйдаги квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда киритилган маблағлари ва квартира қийматининг қолган қисмига расмийлаштирилган ипотека кредити маблағларини қарз олувчининг ёзма топшириғига мувофиқ пудрат қурилиш ташкилотининг 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига ўтказиб беради.

22. Фуқаро томонидан кўп қаватли уйдаги квартирани тўлиқ ўз маблағлари ёки иш берувчининг маблағлари ҳисобидан сотиб олишда, квартира қийматига тенг миқдорда тўпланган маблағлар, сотиб олинаётган квартира жойлашган кўп қаватли уй-жой белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, пудрат ташкилоти билан тузилган олди-сотди шартномаси асосида, унинг 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига ўтказиб беради.

23. Квартира қиймати ўзгарган тақдирда, қарз олувчи

сотиб олинаётган квартира учун жамғарма омонатига кирим қилинган дастлабки бадал маблағларини, ушбу тартибда белгиланган муддатда қўшимча бадал киритиш йўли билан квартира якуний қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорга етказиши лозим.

24. Банк кўп қаватли уй-жойдаги квартиранинг муддатида қурилиши, фойдаланишга топширилиши, нархининг ўзгариши, сифати ва атрофидаги инфратузилма учун жавобгар эмас. Ушбу муносабатлар сотувчи, сотиб олувчи ва бошқа мутасадди ташкилотлар ўртасида қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

## IV. ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШ УЧУН АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

25. Қарз олувчи ипотека кредити олиш учун банк филиалига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ипотека кредити олиш учун ариза;

ариза берувчининг оиласи таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва унинг паспорти нусхаси;

ариза берувчининг ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида охирги 12 ой учун доимий иш жойидан (доимий иш жойи мавжуд бўлганда) берилган маълумотномалар ёки ариза берувчининг ва унинг оила аъзоларининг охирги 12 ой учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг уларнинг яшаш жойидаги давлат солиқ органи томонидан тасдиқланган нусхалари.

26. Кредит олиш учун барча талаб қилинадиган зарурий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин, кредит бўлими масъул ходими томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилиб, қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиги ҳамда бериладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори аниқланади.

27. Барча тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш ва текшириш натижалари бўйича кредит бўлими бошлиғи ва ушбу кредит бўйича хулоса берган масъул ходим томонидан кредит комиссиясига ипотека кредити беришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида асослантирилган хулоса киритилади.

28. Кредит комиссияси (кредит қўмитаси) кредит аризаси ва унга илова қилинган барча ҳужжатларни ҳамда ушбу кредит аризаси бўйича хулосани кўриб чиқиб, аризани қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Ипотека кредити олиш учун кредит аризасини кўриб чиқиб, кредит комиссияси томонидан қарор қабул қилиш муддати — кредит аризаси ва у билан бирга барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 7 иш кунидан ошмаслиги лозим.

## V. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИНИ ИМЗОЛАШ ВА КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ ТАЛАБЛАРИ

29. Банк филиали фуқаро билан кўп қаватли уй қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилингандан сўнг, ипотека кредити олувчи ва пудрат ташкилоти ўртасида квартирани сотиб олиш учун тузилган олди-сотди шартномаси ва банк филиали кредит комиссиясининг кредит ажратиш тўғрисида қабул қилинган ижобий қарори асосида кредит шартномаси ва уй-жой гаров қийматини келишиш далолатномаси тузилади.

30. Қарз олувчи ва банк филиали ўртасида кўп қаватли уйдаги квартирани сотиб олишга кредит шартномаси имзолангандан кейин қарз олувчи қуйидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади:

кредит таъминоти сифатида кўп қаватли уй-жойдан олинган квартирани белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ипотека шартномасининг асл нусхаси ҳамда уй-жойга бўлган мулкчилик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

суғурта тўловини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда гаровга қўйиладиган кўчмас мулк қийматини қисман ёки тўлиқ йўқотиш ҳолатидан ипотека предметини суғурта қилинганлигини тасдиқловчи суғурта полиси ва суғурта ҳақидаги шартнома.

## VI. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ҚАЙТАРИШ ВА У БЎЙИЧА ФОИЗЛАР ТЎЛОВИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

31. Кредит бўйича фоизлар кредит берилган кундан бошлаб у тўлиқ қайтарилгунга қадар, белгиланган фоиз ставкаси ҳисобидан, кредит бўйича амалдаги қарз қолдиғига ҳар куни ҳисобланади.

Имтиёзли давр ўрнатилган ҳолда берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўлови имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади.

Имтиёзли давр кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундиришга татбиқ этилмайди. Бунда фоизлар кредит бўйича қарздорликнинг амалдаги қолдиғига кунлик ҳисоблаб борилади ва ойда бир марта ундирилади.

32. Кредитни қайтариш ва у бўйича фоизлар тўлови тартиби банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномаси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бунда, кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар банк ва қарз олувчи имзолаган кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ ундирилади.

33. Қарз олувчи томонидан кредитни қайтариш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар, қимматли қоғозлар бўйича олинадиган ва бошқа даромадлар ҳисобидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан;

б) банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан;

в) қарз олувчининг банкдаги омонатларидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан;

г) қарз олувчининг иш берувчиси томонидан ипотека кредитини қайтариш учун ажратилган моддий ёрдами ҳисобидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан.

34. Қарз олувчи асосий қарзни ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эга.

35. Асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда банк ходими қарз олувчи билан шахсан учрашиб мажбуриятларнинг бажарилмаётгани сабабларини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.

36. Агар кредитни ўз вақтида ундириш бўйича кўрилган чоралар зарурий натижани бермаса ва кредитнинг қарз олувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслик хавфи вужудга келса, банк берилган ипотека кредитини ва у бўйича ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириш чораларини кўради. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши шарт.

37. Қарз олувчи томонидан ипотека кредити ва ҳисобланган фоизлар бўйича тўловлар умуман тўланмаганда ёки ўз вақтида тўланмаганда, ҳамда қарз олувчи томонидан тузилган кредит шартномаси ва унга илова қилинган қайтариш графиги бўйича қабул қилинган мажбуриятлар доимий бузилган ҳолда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, банк Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонунида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 393-модда) белгиланган тартибда ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратади.

## VII. ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАЙТАРИЛИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

38. Банкнинг масъул ходими кредит шартномасида белгиланган тартибда кредит ва гаров предметининг самарали ва мақсадли ишлатилиши мониторингини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 9-модда) ва банкнинг ички кредит сиёсати талаблари асосида амалга оширади.

# ЎТИШ ДАВРИ КОМПАНИЯСИ

***Янги бошлиқларни кўпинча янги олинган этикка ўхшатишади. Янги этик кийганда ҳамиша ноқулайлик туғдиради, оёқни сиқади, уради. Шунга ўхшаш янги бошлиқ ҳам қўл остидагиларнинг аксариятида муайян даражада норозилик туғдиради. Боз устига янги бошлиқ на тажрибага, на касбий уқувга эга бўлмаса-чи?***

## ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА

Ҳар қандай компания учун янги ходимни ишга қабул қилиш анчагина мураккаб ва масъулиятли иш. Гап раҳбарлар ҳақида борадиган бўлса, инчунин. Муайян даражада шаклланган жамоага янги одам бош бўлиб келаётган бўлса, муайян дилхунликлар юзага келиши мумкин.

Биринчидан, бошлиқларни, айниқса янги келган бошлиқларни ҳамма ерда ҳам унча хушлашмайди. Беш-олти кўйлакни ортиқ йиртган ходимларда норозилик ҳисси онгли даражада ишлаб кетади ва улар хўш, нима сабабдан бу фирма учун моҳият-эътибори билан ҳали зиғирча ҳам иш қилмаган одам буйруқ бериб, бизга ўз ҳукмини ўтказиши керак, деган саволни дастак қилиб оладилар. Иккинчидан, ҳар қандай ташкилотда ички корпоратив анъана, қарор топган меҳнат фаолияти тартиби бўлади. Янги бошлиқ ана шулар билан боғлиқ қоидаларни қабул қилишдан ташқари уларга имкон қадар уйғунлашиб мослашиши керак.

Бундан ташқари шахслараро мулоқот соҳасида ҳам албатта муаммо келиб чиқади. Зотан, ҳар бир ходим ўз муаммолари, дилгирлиги ва шаддодлиги, талаб ва майли бўйича мустақил ҳамда яхлит шахсдир. Одамларнинг ҳаммасига ўзига хос тарзда ёндашиш керак. Бошлиқ жамоанинг ҳар бир аъзоси билан амалий мулоқот ўрнатишнинг уддасидан чиқа олишига ҳеч ким кафолат бера олмайди, албатта. Борди-ю, ўзаро хайрихоҳлик ва бир-бирини тушунишга эришилмас экан, тўла маънодаги самарали ҳамкорликдан умид қилиш қийин.

Қолаверса, ана шу қийинчиликларнинг ҳаммаси ички корпоратив қайта қуришда яшириниб ётган хавф-хатарларнинг учқуни, холос.

## ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТ

Ҳар қандай жамоага янги киши келиб қўшилишининг ўзи низо-можаро келиб чиқиши эҳтимоли омилидир. Бошлиқнинг қўл остидагилар билан иш олиб бориш тактикасида гап кўп. Одатда дастлабки босқичда «бошлиқ-шерик (ҳамкор)» тарзидаги ўзаро муносабат яхши иш беради. Негаки, бунда бошлиқ бўйсунувидаги шахслар унинг тимсолида ҳамиша мулоқот қилиб боришга тайёр одамни кўрадилар. У нима қилаётганлигини яхши билади, шу билан бирга бошқаларнинг фикрини эшитишни қадрлайди. Тўғри, ўзи маъқул деб билган қарорни қабул қилади. Аммо ходим унинг фикри билан қизиқишганлигидан мамнун.

«Бошлиқ – дўст» ва «бошлиқ – хўжайин» стратегиясидан кўп наф кутиб бўлмайди. Биринчи вазият ходимлар учунгина эмас, балки компаниянинг ўзи учун ҳам хатарлидир. Бинобарин, фаолиятнинг бу тахлитда йўлга қўйилиши оқибатида бажарилаётган ишнинг сифати кескин пасайиб кетади. Жамоа ичидаги вазият ҳеч ким ўз вазифасини ўринлатиб бажармаяпти, бошлиқ билиб билмаганга олади, кўп нарсаларга кўз юмиб кўя қолади деган фикр устунлигига олиб келади. Бунга қараганда иккинчи вариант бирмунча истиқболли кўринади. Аммо кўпинча бунда ботиний низо ва можаро шиддат билан ошкора низо ва можарога айланиши мумкин. Воқеанинг бу тарзда кечиши эса кўпинча ходим ёки бошлиқнинг ўзи ишдан кетиши билан якун топади.

Бизнес нуқтаи назаридан компания муассисларининг фикри ҳал қилувчи роль ўйнайди. Агар муассислар шаклланган жамоа пароканда бўлиб кетмаслиги керак деган вазифа қўйган бўлса, у ҳолда янги раҳбар шу жамоага мослашишга мажбур бўлади, қарор топган ҳамда созланган жамоа билан муносабатни шунга қараб йўлга қўяди.

Масаланинг психологик жиҳатига келганда айтиш жоизки, бундай вазиятда можаро (низо) янги раҳбар кўпни кўрган ходимларга қиёсан касб бобида қанчалик зўр эканлигига боғлиқ бўлмайди. Чунки ҳар иккала тарафда ҳам ишда муайян андозалар қарор топган бўлиб, ўзига яраша нафсониятлари ҳам бор. Аммо барибир раҳбарнинг иззат-нафси хал қилувчи асос бўлиб қолади, чунки у жамоага ўз талабларини, зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб эса тегишли вазифалар қўяди. Халқимизда бўзчи билганин тўқир деб бежиз айтилмаган. Янги раҳбарият ишга келганидан кейин ходимлар кўплаб бўшаб кетадиган ҳоллар боиси ҳам шунда. Қизиғи шундаки, кўпинча бундай вазият янги кишилар ишга келиши билан ечим топади. Бинобарин, компания иши самарадорлигини таъминлаш учун жамоа алмашинуви танқидий ҳолат саналмайди.

## КЕЛИННИ КЕЛГАНДА КЎР

Ҳар қандай компаниядаги бухгалтерия иши ўзича бир дунё бўлиб, бу ишдан йироқ кишилар учун у турган-битгани рақам ва ҳисоб-китоблардан иборат ёпиқ сайёрадир. Бош бухгалтер моддий жавобгар шахс, шу сабабли унинг мақоми анча юқори. Бошқа кўпгина мансаб эгаларидан фарқли равишда бош бухгалтернинг ишида аниқлик, билимдонлик бўлишига талаб ҳам жуда юқоридир.

Кўпинча компаниянинг бош директори бош бухгалтернинг бевосита бошлиғи ҳисобланади. У бухгалтериянинг мутаассибона ишига аралашмайди ҳисоб, лекин ортиқча қийинчиликсиз бухгалтерия ходимини ишдан бўшатиб юбориши мумкин.

Мабодо компанияга янги бош директор тайинланган бўлса, бош бухгалтер муайян муаммоларга дуч келиши тайин. Айниқса, бош бухгалтернинг стажи катта, тажрибаси кўп бўлса, янги бошлиқ на у, на бу жиҳатдан унга тенг бўлмаса, шундай бўлади.

Рассом табассуми



М.Эшонқулов чизган сурат.

Умуман олганда, ёш ва тажрибасиз, айниқса касб борасида қаричи калта бошлиқ бутун жамоа учун турган-битгани бош оғриғидир. Бундай одам одатда кўп хато қилади, жабру жафосини эса кўпинча унинг қўл остидагилар кўради. Бундан ташқари «хўжайин» психологиясининг самараси ҳам кўпинча ўзини сездириб туради. Бундай раҳбарнинг кўп таклиф ва талаблари тутуруқсиз ва маънисиз бўлади.

Бундай вазиятларда ортиқча муаммолардан халос бўлиш учун бош бухгалтер жорий вазиятда йўлни тез ва тўғри топиши ҳамда яхши психолог сифатида ўзини кўрсатиши керак. Масалани дарҳол ва бир йўла очди қилиб, бошлиққа нуқул низолашиб юргандан кўра ҳамкор бўлиб фаолият юритиш яхшилигини тушунтириши жоиз. Тажрибали бухгалтер ўз ишини яхши билганлиги сабабли ҳар қандай вазиятда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила билади. Агар бошлиқ мулоқотга рўйхушлик бермаса, бошқача йўл излаш керак. Раҳбарни тушунишга ҳаракат қилиб, унинг қарорларига рози бўлиш, аммо ўз билими ва малакасига мувофиқ равишда иш тутиш лозим. Охир-оқибатда бош директор бухгалтер эмас, табиийки, бухгалтер ишининг барча нозик томонларини билмаслиги мумкин.

Бунда энг муҳими ҳеч кимга, энг аввало компанияга зарар етказмаслик керак. Зеро, бошлиқ ҳам, унинг қўл остидаги одам ҳам аввало корпоратив манфаатларни ҳимоя қилиши керак.

## МУРОСА ЙЎЛИНИ ТОПСА БЎЛАДИ

Компания ичида ходимларнинг лавозимини ўзгартириш ва жойини алмаштириш ҳамиша ҳам бутун ташкилот ишига ижобий таъсир этади деб бўлмайди. Янги келган кишилар бир-бири билан тил топишиб кетиши қийин. Айниқса, манфаатлари, интилиш ва фазилатлари ҳар хил одамлардан иборат жамоада шундай бўлади. Бундай вазиятда муроса йўлини излашдан яхшиси йўқ. Шахсий ва умумий манфаатлар ўхшаш ёки мос келадиган нуқталарни топиш керак.

Янги раҳбарият қўл остидагиларга энг аввало шериклар сифатида қараши, яъни уларни бутун фирманинг фаровонлиги йўлида ўзи сингари меҳнат қилган шериклар тариқасида тан олиши жуда муҳимдир.

Раҳбар бўйсунувидаги одамлар, энг аввало янги келган одам фирма ишларининг мазмун-моҳиятини тўла англаган ҳолда жамоага киришиб кета олмаслигини биладилар. Бу нарса вақтинчалик ҳолат эканлиги ҳам уларга аён. Иккинчидан, унга кўпроқ диққат қилиш керак. Унинг ғоя ва усуллари анчагина истиқболли бўлиши ҳам мумкин. Муассислар бекорга уни танламаган бўлсалар керак, ахир. Бундай ҳолларда мухолифлар маконидан чиқиб, маслакдошлар қаторига ўтганингиз маъқул. Бинобарин, ҳар иккала тараф вакиллари ҳам йирик ва масъул жамоа тузишдан манфаатдор бўлса, юқорида тилга олиб ўтилган муаммолар ўз-ўзидан йўқолади. Акс ҳолда компаниянинг истиқболига ҳавас қилмаса ҳам бўлади.

***Хорижий матбуот материаллари асосида.***

# Ноанъанавий саволлар

## ҒАРАЗ АРАЛАШСА

**? Номзоди мўлжалланаётган мутахассис ҳақида маълумотнома олиш керак, аммо у аввалги компаниясидан бўшаганича йўқ. Шундай кезлари қай йўсинда иш тутган маъқул?**

– Сиз кўз остига олаётган одам ҳали ишлаб турган компаниясидан бўшамаган экан, шартта унинг раҳбарига қўнғироқ қилиб, мулоқотда бўлиш одобдан бўлмайди. Ахир ҳар қандай иш бошқарувчи ҳам ўз қўл остидаги шахс яширинча ўзига янги иш жойи излаётганини билиб қолса, ранжиши турган гап. Ишини ташлаб кетмоқчи бўлаётган ходимнинг бошига нималар ёғилмайди дейсиз. Шундай экан, олдингизда қийин вазифа турибди. Талабгор ҳақида унинг тақдирига аралашмаган кўйи имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашингиз керак.

Бу қийин бўлса ҳам бажариш мумкин бўлган ишдир. Масалан, кўз остига олиб қўйилган номзоднинг шахсий фазилатларига оид ахборот керак бўлса, унинг илгариги иш жойига қўнғироқ қилинг. Одамнинг фазилат ва ўзига хос хислатлари тез ўзгармайди. Шу сабабли у ҳақда анчагина қизиқарли маълумотлар тўплашингиз мумкин. Баъзан талабгор ҳозирги лавозимини қай тарзда эгаллаганлигини билиш зарур бўлиб қолади. Бунда шу одамнинг ўзидан имкон қадар кўпроқ факт тўплашга ҳаракат қилинг – нималар қилганини ва энг асосийси, қай тарзда иш олиб борганини, мижозлардан қайси бири билан алоқада эканлигини билиш зарур. Шу мижозлар билан боғланиб кўриш ҳам фойдадан холи эмас. Бундан ташқари сиз мўлжаллаётган одамни биладиган бошқа фирмалардаги одамлар ҳам яхши ёрдам берар. Ва ниҳоят, ходим синов муддати билан ишга олингач, унинг собиқ иш берувчисига қўнғироқ қилиб кўришингиз мумкин.

## ЖАДВАЛ БЎЙИЧА ОВҚАТЛАНИШ

**? Фирма ҳар қандай умумий овқатланиш нуқтасидан четроқда бўлса, иш берувчилар ўз ходимларини иссиқ таом билан таъминлашлари шартми?**

– Меҳнат кодексида ҳам, мамлакатимизнинг бошқа қонунчилик-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам иш берувчининг ходимлар овқатланишини ташкил этиш борасидаги мажбуриятлари айтилмаган. Тўғри, уларни ходимларни текин овқатлантиришга мажбурлаш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Тушлик вақтида ходимларнинг иссиқ овқатдан баҳраманд бўлишини таъминлашни ташкил этиш ҳақида кўпдан бери ғамхўрлик кўрсатиб келинади. Корпоратив ошхона ва буфетлар, идорада мини-ошхоналар ташкил этиш, умумий овқатланиш корхоналари ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан иссиқ овқат етказиб берилиши тўғрисида шартномалар тузиш – бу йўналишдаги имкониятлар рўйхати кенг. Бунинг учун ходимлардан пул олиш керакми, пул олинадиган бўлса, қанча олиш керак сингари масалаларни ҳар бир компания мустақил тарзда ҳал этади.

Борди-ю, одамларни сал наридаги арзон кабобхона қаноатлантираётган бўлса, муаммо ўз-ўзидан барҳам топади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ходимлари учун рисоладагидек овқатланишга шароит яратиб қўйиш иш берувчига фойдалидир. Бинобарин, одамлар қаерга бориб қорин тўйдириш ҳақида эмас, балки иш ҳақидаги кўпроқ ўйлайдиган бўладилар. Меъда ва ичак касалликлари туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси оладиганлар камайиб, компанияга бу борада харажатлар қилишга эҳтиёж қолмайди. N

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми?***

***Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга, шунингдек етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. Шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун «Норма маслаҳатчи» жавоб бермайди.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ
# Бизнес Панорама
«Норма маслаҳатчи» 38 (167)-сон 2008 йил 19 сентябрь

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## К А Ф Е Л Ь

SANAY Co.Ltd

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

**Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз**

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



pr_8-01-01

Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

## ҲАММАСИ МЎЪЖАЗ БОСМАХОНАЛАР УЧУН

**Рақамли дупликаторлар ва коллаторлар**

**Duplo DBM 120** – меҳнат унумдорлиги соатига 2400 блоккача бўлган брошюралаш машинаси, китоб саҳифаларини маҳкамлаш ва фальцовкалаш йўли билан брошюраларни тез тайёрлаш учун мўлжалланган.



Duplo™



Товар сертификатланган

**DP-S550 рақамли дупликатори**
- А3 бичими
- ечими 300x600 dpi
- босиш тезлиги бир дақиқада 150 нусха
- ичига киритилган компьютер интерфейси
- рақамли функцияларнинг кенгайтирилган тўпламига эга фаол ЖК дисплейи
- рус тилидаги меню
- 10 000 000 нусха ресурси
- кафолат босиш чекламисиз 1 йил

**ЯПОНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН**

pr_9-08-01

"SyTeCo" ҚК тел.: 244-61-36, 244-31-63

UzMed EXPO

## 7-9 ОКТЯБРЯ ВЫСТАВКА

Гостиница «Интерконтиненталь»



## МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА "УЗМЕДЭКСПО - 2008"

**Официальная поддержка:**
- Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан;
- Ассоциация Представительств иностранных Фармацевтических компаний в Республике Узбекистан.

**Основные разделы выставки:**
- медицинская техника и инструменты;
- медицинское оборудование;
- стоматологическое оборудование и материалы;
- лекарственные средства и их производство;
- очковая оптика;
- лечебная косметика;
- медицинская мебель, оборудование для аптек, упаковка;
- расходные и перевязочные материалы.

**Организатор: IEG UZBEKISTAN**

Контактная информация:
Тел.: +(998 71) 238-59-87 | E-mail: coordinator@iegexpo.com
Сот.: +(998 97) 381-07-84 | Менеджер проекта: Гальперина Ольга

IEG UZBEKISTAN

## ЭЪЛОНЛАР

### СОТИЛАДИ

2 сотихли хусусий уй, Роҳат кўли (халқа). Тел.: 715-70-28, 109-78-95.

Кетчуп ва майонез ишлаб чиқариш учун ишлаб турган ускуна. Тел. 267-37-53

ХХРда ишлаб чиқарилган ўз матбаа ускунамиз сотилади. ТВ-W 300 карточкаларини ёрлиқлаш учун машинка, КЕ-В100 карточкаларининг ультратовушли ўраб-жойлаштирувчиси. Тел. 232-06-08.

### ХИЗМАТЛАР

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! "MAXIGRAF PLUS" компанияси турли мураккаблик даражасидаги Интернет-сайтлар ишлаб чиқади.
Тел.: 332-11-88, 216-48-83.

ЛОЙИҲАЛАР. СМЕТАЛАР. ДИЗАЙН.
Тел.: 233-95-25, 186-46-43.

### КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Таҳлил ва корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказишда ёрдам.
Тел.: 407-38-16, 273-40-44.

Молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили. Бизнес-режа. Кузатув.
Тел.: 407-38-16, 273-40-44.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Сизга дебиторлик қарзини тўлашмаяптими? Хўжалик судида низоли иш борми? Мақбул юридик хизмат лозимми? Меҳнатга оид масалалар. "ASR ADVOKATI" АФ. 100% кафолат. Тўлов – натижаларга кўра.*
Тел.: (+99897) 100-47-33,
(+99897) 330-45-71,
(+99890) 900-00-29.
Мўлжал – "Тинчлик" м.б.

"ADVOKAT-ELITE". Корхоналар, ваколатхоналар, доимий муассасаларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш. Ҳуқуққа оид аудит.*
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.*
Тел. 448-74-69.

### ТАРЖИМАЛАР

Таржималар бюроси: дунёнинг турли тилларига хужжатларни таржима қилиш, нотариал тасдиқлаш ва легаллаштириш хизматларини таклиф этади. Мослашувчан чегирмалар тизими!
Тел.: 252-38-71, 454-80-01, 108-79-76.

*Хизматлар лицензияланган.

ЎзЭКСПО МАРКАЗ

Тошкент, Ўзбекистон

3-нчи ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН

## КЎРГАЗМА

**23-25** сентябрь 2008 й.

POWER UZBEKISTAN 2008

## ЭНЕРГЕТИКА ВА ЁРИТИШ

Ташкилотчи:

ITE UZBEKISTAN

Тел. +(998 71) 113 01 80
факс +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

**Расмий очилиш маросими**
**2008 йил 23 сентябрь соат 11.00 да**

**Кўргазманинг ишлаш вақти:**
**23 сентябрь 11.30 - 17.00 24 сентябрь 10.00 - 17.00**
**25 сентябрь 10.00 - 16.00**

ufi Member



## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

## www. restoran.uz



